

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

49-сон
(393)
2009 йил
9 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

522. «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сон қарори

Учинчи бўлим

523. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари ҳамда Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 ноябрдаги 302-сон қарори

524. «Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантиришни давлат томо-

нидан янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 декабрдаги 304-сон қарори

Бешинчи бўлим

526. «Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар харид қилиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2009 йил 19 ноябрдаги 50, 44 /ҚҚ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1943-1*)
527. «Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришларида махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда химояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 23 ноябрдаги 70-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2051*)
528. «Тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилиши мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 2 ноябрдаги 89, 105, 7-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2052*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 28 ноябрдан 4 декабргача бўлган маълумот

Тузатиш

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

522 Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда бозор принциплари ва механизмларини янада чуқурлаштириш, биржа ва ярмарка савдоларининг хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантиришдаги ролини ошириш, шунингдек маҳаллий хом ашё ҳамда саноат кооперацияси негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини шакллантириш чора-тадбирларини амалга оширишда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини шакллантириш ва амалга оширишда:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмлари ва турларини, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган контрактлар ва шартномаларни чуқур таҳлил қилиш, шунингдек ташқи бозорлар конъюнктурасини тизимли ўрганиш асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг йўналишлари ҳамда аниқ рўйхатлари бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ҳамда уларни Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг таклифлари асосида республика тармоқлари ва минтақалари бўйича мамлакатимиз корхоналарида маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар (хизматлар)нинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш юзасидан буюртмаларни жойлаштиришни амалга оширади, Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантиради, уларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторингни таъминлайди;

Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва амалга ошириш ишларини умумий мувофиқлаштиришни Ҳукумат қарори билан ташкил этиладиган Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича махсус идоралараро комиссия бажаради.

2. Қуйидагилар:

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини тузиш жараёнида давлат бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 141 нафардан иборат бўлган янгиланган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича махсус идоралараро комиссия таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзэкспомарказ» миллий кўرғазма компанияси очиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясига айлантирилсин.

Илгари Ижро этувчи органга Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказишни ташкил этиш бўйича юкланган функциялар билан бирга қуйидагилар Дирекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳар йили Ўзбекистонда ўтказиладиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини уларнинг ишида қатнашадиган мамлакатимиз корхоналарини ҳамда уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, шу жумладан маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни, жумладан хорижий фойдаланувчилар учун қулай бўлган ахборот ресурслари орқали кенг реклама қилишни ташкил этиш;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига потенциал хорижий субъектларни жалб этишни кенгайтириш ишларини тизимли асосда олиб бориш;

биржа ва ярмаркаларда хорижий шериклар билан экспорт-импорт битишувларини кенгайтириш, маҳсулотлар экспорти бўйича икки томонлама ҳукуматлараро битимлардан аста-секин чекиниш йўли билан мамлакатимиз товарлари ва хизматларини экспорт қилишнинг бозор принциплари ва механизмларини кучайтириш тадбирларини амалга ошириш, биржа ва ярмарка савдолари майдонларида тузиладиган экспорт контрактларини расмийлаштиришда кўмаклашиш;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган контрактлар ва шартномаларни таҳлил қилиш ҳамда тегишли лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш бўйича таклифларни шакллантириш, уларни Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, шу жумладан маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш ва дои-

* 3-илова берилмайди.

мий равишда янгилаб бориш, Ўзбекистон саноат корхоналари маҳсулотларининг ҳар йили янгилаб бориладиган каталогини электрон ва қоғозли форматда нашр этиш.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясининг ходимларнинг чекланган сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) 15 нафардан иборат бўлган ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекцияси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

2010 йил 1 сентябргача бўлган муддатда «Ўзэкспомарказ» миллий кўرғазма компанияси очиқ акциядорлик жамиятининг иккита павильонини реконструкция қилсин, умумий кўрғазма майдонини 14,5 минг квадрат метргача етказсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, беғараз техник кўмакни (грантларни) жалб этишга доир ҳар бир лойиҳа бўйича мукофотларнинг аниқ миқдорлари ва мукофотланадиган мансабдор шахсларнинг рўйхати тегишли тузилмалар тақдимига кўра Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда аниқлаштирилади ва тасдиқланади.

6. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги — «Ўзинфоинвест»ни ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 6 февралдаги ПҚ-578-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 11 апрелдаги 67-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбоши ва қарорга 1-илова;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасига грантли беғараз техник кўмакни жалб этишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 20 октябрдаги 275-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбоши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкама-

сига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар юзасидан таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 1 декабрь,
ПҚ-1236-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги
ПҚ-1236-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар,
бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш дастурини тузиш жараёнида давлат
бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг
ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини (кейинги ўринларда Маҳаллийлаштириш дастури деб юритилади) тузиш, тасдиқлаш ва амалга оширилишини назорат қилиш тартибини, шунингдек ушбу жараёнда унинг асосий қатнашчилари — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, бошқа вазирликлар ва идоралар, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллийлаштириш лойиҳалари ташаббускорлари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмини белгилайди.

2. Маҳаллийлаштириш дастурини тузиш унга:

хўжалик юритувчи субъектлар ташаббус кўрсатган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини;

импорт қилинадиган маҳсулотларнинг ҳажми, таркиби ва турларини

чуқур таҳлил қилиш, ташқи бозорлар конъюнктурасини, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган контрактлар ва шартномаларни тизимли ўрганиш асосида ишлаб чиқилган Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг таклифлари асосида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан жойлаштириладиган тайёр маҳсулотлар, хизматлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини;

монополиялаштириш даражасини ва рақобат муҳити ривожланишини, товарлар (хизматлар)нинг ўзаро бир-бирининг ўрнини босиши ва нарх омилини ҳисобга олган ҳолда товарлар (хизматлар) билан ички бозорнинг тўлдирилганлигини баҳолашдан келиб чиқиб Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг таклифлари асосида тузиладиган маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг янги турларини ўзлаштириш лойиҳаларини киритиш йўли билан амалга оширилади.

3. Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб юритилади) хулосалари асосида амалга оширилади.

4. Маҳаллийлаштириш дастурини тузиш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш учун Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича махсус идоралараро комиссия (кейинги ўринларда махсус комиссия деб юритилади) ташкил этилади. Махсус комиссиянинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Махсус комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади. Унинг ходимларидан котиб бошчилик қиладиган Махсус комиссия Котибияти тузилади.

5. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини тасдиқлаш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.

6. Маҳаллийлаштириш дастурига янги лойиҳаларни киритиш, шунингдек тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қарор:

Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари параметрларига тузатишлар киритиш юзасидан — Махсус комиссия томонидан, маҳаллийлаштиришнинг белгиланган даражасини пасайтириш бундан мустасно;

Махсус комиссиянинг таклифлари бўйича маҳаллийлаштириш лойиҳалари параметрлари ва рўйхатига ўзгартиришлар киритиш юзасидан — Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

II. Маҳаллийлаштириш дастурини тузиш бўйича давлат бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг асосий функциялари ва ваколатлари

7. Маҳаллийлаштириш дастурини тузиш жараёнида самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ва уни амалга оширишнинг сифатли мониторингини ташкил этиш мақсадида:

а) лойиҳаларнинг ташаббускорлари — вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар:

ташаббус кўрсатилаётган маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлайдилар ҳамда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш учун ҳужжатларни белгиланган тартибда Махсус комиссия Котибиятига тақдим этадилар;

Халқаро саноат ярмаркасида ва Кооперация биржасида саноат кооперацияси доирасида ярмарка ва биржада тузиладиган шартномалар (контрактлар) асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштириладиган янгидан ўзлаштирилган ва ўзлаштириш назарда тутиладиган маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар янги турларининг тақдимотини ўтказадилар;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мамлакатимиздаги потенциал харидорларини ва хорижий харидорларни ҳамкорликка жалб қилиш ҳамда ички ва ташқи бозорларда талаб қилинган товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга буюртмачиларни фаоллик билан излайдилар, ҳамкорликни ривожлантириш шартларини муҳокама қиладилар ва шартнома билан расмийлаштириш бўйича улар билан музокаралар ташкил этадилар ва олиб борадилар;

маҳаллийлаштириш дастурларини самарали ва ўз вақтида амалга оширадилар ва белгиланган параметрларга эришадилар;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

импорт контрактлари бўйича электрон маълумотлар базасини ишлаб чиқади ва юритади ҳамда шу асосда республика тармоқлари ва корхоналари бўйича импорт қилинадиган маҳсулотлар (хизматлар) таркиби ва турларини чуқур таҳлил қилади;

импорт қилинадиган маҳсулотлар таркиби ва турларини чуқур таҳлил қилиш, ташқи бозорлар конъюнктурасини тизимли ўрганиш асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг йўналишлари ва аниқ рўйхатлари бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир таклифларни, шу жумладан экспортга етказиб беришни кенгайтириш учун ишлаб чиқади, кейинчалик ушбу таклифларни Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этади;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, кооперация алоқаларини ривожлантириш, ўз ишлаб чиқариш имкониятларини товарларни импорт қилувчиларга ҳамда потенциал харидор ва буюртмачиларга намойиш қилиш, шунингдек тегишли контрактлар тузилишига қўмаклашиш учун мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига зарур шарт-шаро-

итлар яратиш учун самарали майдон сифатида Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ишини ташкил этади;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар, мамлакатимиз харидорлари ва хорижий харидорлар, буюртмачилар ўртасидаги ниятлар тўғрисидаги контрактлар ва шартномаларни таҳлил қилиш асосида тегишли лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш юзасидан таклифлар тузади ҳамда уларни Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этади;

хорижий компаниялар ва ташкилотларнинг таклифлари ва салоҳиятини ўрганиш асосида импортнинг ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг энг кўп талаб қилинадиган турларини ўзлаштириш бўйича хорижий шерикларни саноат кооперациясига жалб этишга доир таклифларни ишлаб чиқади ва Махсус комиссия Котибиятига киритади;

белгиланган ҳолатларда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини баҳолаш натижалари бўйича экспертиза ўтказиши ва ҳулосалар беради;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган контрактлар ва ниятлар шартномалари ижроси мониторингини олиб боради, уларни амалга ошириш давомида юзага келадиган масалаларни таҳлил қилади ва тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

в) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

импортнинг ўрнини босадиган маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг таклифларини республиканинг хўжалик бирлашмалари ва корхоналари билан биргаликда батафсил ўрганади ҳамда импортнинг ўрнини босадиган маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг янги турларини мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқаришга буюртмаларни жойлаштириш, шу жумладан янги корхоналар ташкил этиш, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар ташкил этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади;

мамлакатимиз иқтисодиётини комплекс ва мувозанатли ривожлантиришни таъминлашни, табиий, минерал-хом ашё, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва меҳнат салоҳиятидан, шунингдек тегишли инфратузилмадан самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқаришни иқтисодиётнинг муайян тармоқларида ва минтақаларида жойлаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

давлат ва хўжалик бошқарувига тегишли органлари, саноат корхоналари билан биргаликда бир нечта ташкилотлар ва корхоналарни жалб этишни талаб қиладиган маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг янги мураккаб-роқ турларини ўзлаштириш учун узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг самарали схемаларини, шунингдек ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тадбирларини ишлаб чиқади;

ишлаб чиқариш қувватлари ва технологик жиҳатдан қайта тақсимлаш, маҳсулотларнинг ишлаб чиқариладиган турлари электрон маълумотлар ба-

засини ишлаб чиқади ва юритади ҳамда шу асосда саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

белгиланган ҳолларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини баҳолаш натижалари бўйича экспертиза ўтказиши ва ҳулосалар беради;

хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртманомаларини, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхатлари бўйича Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг таклифлари бўйича республика корхоналарида жойлаштирилган буюртмаларни кўриб чиқиш асосида Маҳаллийлаштириш дастурини тузади;

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишнинг, шу жумладан Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар билан белгиланган параметрларга эришишнинг тизимли мониторингини олиб боради, уларни амалга ошириш давомида муаммоли масалаларни аниқлайди ҳамда тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

г) Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси:

монополиялаштириш ва рақобат муҳитини ривожлантириш даражасини, товарлар (хизматлар)нинг ўзаро ўрнини босишини ва нарх омилини ҳисобга олган ҳолда бозорнинг товарлар (хизматлар) билан тўлдирилганлигини баҳолайди ҳамда тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларнинг аниқ рўйхати билан бирга товарлар (хизматлар)ни мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Иқтисодиёт вазирлигига таклифлар киритади;

белгиланган ҳолларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини баҳолаш натижалари бўйича экспертиза ўтказиши ва ҳулосалар беради;

д) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўзлаштиришга тавсия қилинаётган маҳсулотлар рўйхатини технологик қайта тақсимлаш, асбоб-ускуналар ва республика саноат корхоналари салоҳиятини, фойдаланилаётган ишлаб чиқариш технологияларини ўрганиш асосида янги самарали технологияларни ва илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини, бир нечта ташкилотлар ва корхоналарни жалб этишни талаб қиладиган маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг янги мураккаброқ турларини ўзлаштириш учун узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг оқилона ва энг мақбул схемаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

е) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Иқтисодиёт вазирлигига маҳаллийлаштирадиган ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни ташкил этиш учун мавжуд бўш ишлаб чиқариш қувватлари, бинолар ва иншоотларни, шу жумладан аниқ инвестиция мажбурияти остида бепул бериш таклиф қилинадиган ахборотни ҳар чоракда тақдим этади;

ж) «Ўзстандарт» агентлиги ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сифати ва дизайни бўйича замонавий талаблар ва стандартлар даражасига етказиш

юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва Махсус комиссия Котибиятига киритади;

з) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати остидаги кредит маблағлари ҳисобига Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш таклиф қилинаётган лойиҳалар амалга оширилган тақдирда иқтисодий самарадорликни келишиш юзасидан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини баҳолаш натижалари бўйича экспертиза ўтказиши ва хулосалар беради;

и) Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш соҳасида Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари ҳамда барча вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради.

III. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташаббус кўрсатилган лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш тартиби

8. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик юритувчи субъектлар — маҳаллийлаштириш лойиҳалари ташаббускорлари (кейинги ўринларда лойиҳа ташаббускори деб юритилади) лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган шакл бўйича Махсус комиссия Котибиятига киритади.

9. Лойиҳа ташаббускори тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

10. Лойиҳа ташаббускоридан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча маълумотларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Махсус комиссия Котибияти лойиҳанинг мақсадидан, уни молиялаштириш манбаларидан келиб чиққан ҳолда тушган таклифларни кўриб чиқиш учун икки кун муддатда ваколатли органларга юборади.

12. Таклифлар бир вақтнинг ўзида қуйидаги ваколатли органлар:

а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан:

лойиҳанинг Маҳаллийлаштириш дастури мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги;

лойиҳани амалга ошириш имконияти;

маҳаллийлаштиришнинг таклиф этилаётган даражасига эришиш имконияти;

лойиҳани Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш ёки лойиҳа параметрларини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий мақсадга мувофиқлиги баҳоланади;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан:

маркетингнинг таклиф этилаётган концепцияси, шу жумладан маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни сотиш истиқболлари;

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ташқи бозорда сотиш нархлари параметрлари (лойиха ташаббускори томонидан маҳсулотни экспорт қилиш назарда тутилган тақдирда);

шунга ўхшаш маҳсулот импортини таҳлил қилиш (ТИФ ТН коди бўйича 10 белги даражасида);

лойиҳани Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш ёки лойиҳа параметрларини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосида лойиҳани амалга ошириш самарадорлиги ва имконияти баҳоланади;

в) Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан — рақобат мухитини, монополия қилиб олиш даражасини, товарларнинг ўзаро бир-бирининг ўрнини босишини ҳисобга олган ҳолда бозорни тўлдириш ва нарх белгилаш баҳоланади;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан (лойиҳа молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ёки Ҳукумат кафолати остидаги кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилган тақдирда) — лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланади.

Зарурият бўлганда Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Иқтисодиёт вазирлигида ваколатли органлар мутахассисларидан иборат вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

13. Ваколатли органлар лойиҳа ташаббускорларининг таклифларини кўриб чиқиш натижалари бўйича асосланган хулосаларни ҳужжатлар тушган пайтдан бошлаб ўн кундан кеч бўлмаган муддатда Махсус комиссия Котибиятига юборади.

Хулосанинг нусхаси ваколатли орган томонидан лойиҳа ташаббускорига юборилади.

14. Фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлган тақдирда ҳужжатлар ваколатли органлар томонидан лойиҳа ташаббускорига пухта ишлаш учун қайтарилади.

Пухта ишланган ҳужжатлар лойиҳа ташаббускорлари томонидан ваколатли органларга тақдим этилади. Ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш ва тегишли хулосаларни Махсус комиссия Котибиятига тақдим этиш ваколатли органлар томонидан илгари билдирилган фикр-мулоҳазалар лойиҳа ташаббускорлари томонидан бартараф этиш шarti билан бир ҳафта муддатда амалга оширилади.

Пухта ишланган лойиҳани кўриб чиқишда ваколатли органлар томонидан янги фикр-мулоҳазалар билдирилишига йўл қўйилмайди.

15. Махсус комиссия Котибияти икки ҳафта муддатда ваколатли органларнинг тушган ижобий хулосаларини умумлаштиради ва махсус Комиссия Протоколи лойиҳасини, зарурият бўлганда, Ҳукумат қарори лойиҳасини

тайёрлайди, белгиланган тартибда унинг келишилишини таъминлайди ва Вазирлар Маҳкамаси киритади.

Бир ёки бир нечта ваколатли органнинг салбий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда лойиҳани Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш тўғрисидаги қарор Махсус комиссия мажлисида тегишли хулосалар асосида қабул қилинади.

IV. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш мониторингини олиб бориш


16. Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган ҳар бир лойиҳа бўйича лойиҳани амалга оширишнинг тармоқ жадвали ишлаб чиқилади. Жадвалда лойиҳа орқали Иқтисодиёт вазирлиги билан келишиладиган аниқ белгиланган муддатларда белгиланган параметрларга эришиш назарда тутилади.

17. Иқтисодиёт вазирлиги тармоқ жадвали асосида Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишнинг, шу жумладан Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларда белгиланган параметрларга эришишнинг тизимли мониторингини олиб боради, уларни амалга ошириш давомида муаммоли масалаларни аниқлайди ва тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади.


18. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларининг ташқи иқтисодий кўрсаткичлар, шунингдек Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар (экспорт-импорт контрактлари) бажарилиши мониторингини олиб боради, уларни амалга ошириш давомида муаммоли масалаларни аниқлайди ва тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади.

19. Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномаларни бажариш мониторингини олиб боришда аниқланган муаммолар ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, барча вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштиради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекциясининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув аппарати ходимларининг сони — 15 киши.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

523 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари ҳамда Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси тўғрисида- ги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2009 йил 13 ноябрдаги ПҚ-1227-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Макроиктисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси Д.О. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 26 ноябрь,
302-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 26 ноябрдаги 302-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги
таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс
ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил
департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Йиғма департамент деб юритилди) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Йиғма департаментнинг фаолияти қуйидаги асосий вазифаларни ба-
жаришга йўналтирилган:

иқтисодий ривожланиш тенденцияларини чуқур ва комплекс таҳлил қилиш, макроиқтисодий кўрсаткичлар ва ижтимоий ривожланишнинг ўсиши тизимли мониторингини олиб бориш, макродаражада, шунингдек тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги номутаносибликларни аниқлаш;

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришни, ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлайдиган ҳамда иқтисодиётни барқарор суръатда ўстиришга, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилган стратегик устувор вазифалар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тасдиқланган параметрларга сўзсиз эришишга доир таклифлар ва тадбирларни ишлаб чиққан ҳолда инвестиция лойиҳалари, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этиш;

макроиқтисодий ривожлантириш ва иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини барқарор ривожлантириш ҳамда республика ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш масалаларида Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати ахборот-таҳлил департаментлари, марказий иқтисодиёт органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва илмий-тадқиқот тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

уларга бўлган эҳтиёж республикага импорт ҳажми ва тузилмасини таҳлил қилиш ҳамда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси давомида аниқланган товарларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга буюрт-

маларни мамлакат корхоналарига жойлаштириш жараёнини мувофиқлаштириш, шунингдек ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг амалга оширилаётган лойиҳалари бўйича тасдиқланган параметрларга эришиш юзасидан тизимли мониторингни ташкил этишга;

қабул қилинаётган қарорларнинг алоҳида тармоқларга, ҳудудларга ва умуман мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қисқа муддатли ва узоқ муддатли таъсирини комплекс баҳолашни ўз ичига оладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертиза қилинишини таъминлаш;

ривожланишнинг мақсадли дастурлари амалга оширилиши, давлат ва хўжалик бошқарувининг ҳар бир даражасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилишининг тизимли, комплекс ва қатъий назорат қилинишини таъминлашга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратини Ўйғма департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ахборотлар билан таъминлаш.

3. Ўйғма департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Ўйғма департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Ўйғма департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига бўйсунди ва айни вақтда унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Ўйғма департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида ташкил этилган ахборот-таҳлил бошқармаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган ахборот-таҳлил гуруҳлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларига ва Ўйғма департаментга ҳисобот беради.

Ўйғма департамент ўзига ҳисобот берадиган Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтига раҳбарлик қилади ва унинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ахборот-таҳлил гуруҳлари раҳбарлари, шунингдек кўрсатиб ўтилган ҳудудий бўлинмалар мутахассислари лавозимга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан Йиғма департамент мудири билан келишилган ҳолда тайинланади.

II. Йиғма департаментнинг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Йиғма департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) макроиқтисодий ривожлантириш ва банк-молия тизимини ислоҳ қилиш соҳасида:

марказий иқтисодий идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати ахборот-таҳлил департаментларининг ахборот-таҳлилий фаолиятини мувофиқлаштириш асосида мамлакатда иқтисодий, ижтимоий, таркибий, институционал ва маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш, мамлакатни макроиқтисодий ривожлантириш тенденциялари ва истиқболларини, қабул қилинаётган қарорларнинг уларга таъсирини таҳлил қилиш;

макроиқтисодий мутаносибликни, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини, мамлакат аҳолисини иш билан банд этиш ва уларнинг турмуш даражасини оширишни таъминлашнинг стратегик вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш, республика банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

макроиқтисодий аҳвол ва иқтисодиётдаги таркибий сифат ўзгаришлари, ривожланишнинг комплекс мақсадли дастурлари амалга оширилиши, шу жумладан маълумотларнинг тегишли базаларини яратиш ва уларни таҳлил қилиш асосида банк-молия тизимини ислоҳ қилиш мониторинги тизимини яратиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати ахборот-таҳлил департаментлари томонидан тайёрланадиган муҳим иқтисодий, ижтимоий муаммолар, институционал ва таркибий ислоҳотлар, шу жумладан банк-молия тизимини ислоҳ қилиш бўйича Ҳукуматнинг мақсадли дастурлари ва қарорлари лойиҳаларини республиканинг стратегик манфаатлари ва мақсадларига мувофиқлиги юзасидан эксперт баҳолаш, уларнинг ривожланишнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига таъсирини баҳолаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан моддий ва қиймат

баланслари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш;

б) ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришлар соҳасида:

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш, аҳолини иш билан банд этиш, уларнинг даромадларини кўпайтириш ва турмуш даражасини оширишни таъминлаш мақсадида иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришлар, амалга оширилаётган бозор ислохотларини чуқурлаштириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инновацион ривожланиш механизмини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тармоқларда ва минтақаларда, шу жумладан маълумотларнинг тегишли базаларини яратиш асосида ижтимоий-иқтисодий аҳвол, ижтимоий муҳофаза, аҳолини иш билан таъминлаш ва таркибий иқтисодий ислохотлар, инвестиция дастури, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини модернизация қилиш, техник жиҳатдан янгилаш ва технология билан қайта жиҳозлаш дастурлари амалга оширилишини назорат қилиш мониторингини олиб бориш тизимини яратиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати ахборот-таҳлил департаментлари томонидан ишлаб чиқилган муҳим таркибий ислохотлар, иқтисодиётни модернизация қилиш, ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммолари бўйича тармоқ ва ҳудудий дастурлар, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини эксперт баҳолаш;

тармоқлар ва ҳудудлар даражасида иқтисодий ислохотлар, иқтисодий ривожланиш дастурлари, қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишини назорат қилиш;

в) инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини назорат қилиш соҳасида:

Инвестиция дастури, тармоқлар ва минтақаларни ривожлантириш дастурларининг киритилаётган лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва экспертизадан ўтказиш, шу жумладан уларни амалга оширишнинг эҳтимол тутилган оқибатларини комплекс баҳолаш;

Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати тегишли ахборот-таҳлил департаментлари билан биргаликда лойиҳаларни амалга оширишнинг самарали ва энг мақбул схемаларини танлаш бўйича хулосалар тайёрлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати ахборот-таҳлил департаментлари, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида тайёрлаш ва амалга оширишни таъминлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

уларга бўлган эҳтиёж республикага импорт ҳажми ва тузилмасини таҳлил қилиш ҳамда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси даво-

мида аниқланган товарларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга буюртмаларни мамлакат корхоналарига жойлаштириш жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг амалга оширилаётган лойиҳалари бўйича тасдиқланган параметрларга эришиш учун тизимли мониторингни ташкил этиш;

Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати тегишли ахборот-таҳлил департаментлари билан биргаликда аниқ инвестиция лойиҳалари бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳаларининг комплекс экспертизасини амалга ошириш;

Инвестиция дастури, ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурлари амалга оширилишини умумлаштириш ва мониторинги натижаларини комплекс таҳлил қилиш, улар асосида тасдиқланган параметрларга сўзсиз эришишга доир таклифлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш.

9. Йиғма департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

мамлакатни ва минтақаларни макроиқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш, таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши, иқтисодиётни модернизация қилиш ва Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича маълумотларнинг тизимлаштирилган базалари яратилишини, юритилишини ва мунтазам янгилаб борилишини таъминлайди;

ўзи мутасаддилик қиладиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради ва таҳлил қилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари учун, шунингдек уларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқиш учун тегишли маълумотномалар, таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

минтақаларда ишларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини, иқтисодий, таркибий ва маъмурий ислохотлар масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилишини, шу жумладан жойига борган ҳолда, ўрғанади, ўрганиш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун тегишли таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг топшириқлари ижросини назорат қилади;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни

ишлаб чиқади ҳамда улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари бўйича мажлисларини тайёрлаш билан боғлиқ материалларни ишлаб чиқишда ва қарорларни расмийлаштиришда қатнашади, шунингдек мазкур материаллар тўғрисида Бош вазирнинг биринчи ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига ахборот беради, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлис қарорлари бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқарувининг манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради, Йиғма департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ахборот-таҳлил бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ахборот-таҳлил гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чоратадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни қабул қилишни амалга оширади;

аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий таъминот ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича мақсадли дастурларнинг, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорларининг амалга оширилишини мувофиқ-

лаштиришни таъминлайди ва натижаларини республика минтақалари, шунингдек иқтисодиёт соҳалари бўйича умумлаштиради.

Ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Йиғма департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Йиғма департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати ахборот-таҳлил департаментларининг макроиқтисодий ривожлантириш, таркибий ва институционал ижтимоий ислохотлар, иқтисодиёт тармоқларини, секторларини ва минтақаларни иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий ва прогнозлаш фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

марказий иқтисодиёт органлари, уларнинг илмий-тадқиқот марказлари ва институтлари ходимларини, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда ахборот ва таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш учун вақтинчалик эксперт таҳлил гуруҳлари ташкил этиш;

халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар, семинарлар ва кенгашлар ишида, шунингдек иқтисодий, ижтимоий, институционал ва таркибий ислохотлар муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий тадқиқотлар соҳасидаги халқаро лойиҳаларда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари билан мустақил ёзишмаларни юритиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиял органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир биринчи ўринбосарининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Йиғма департамент тасарруфидаги соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий

муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш;

зарурат бўлганда, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Йиғма департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Йиғма департамент белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

11. Йиғма департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши учун жавоб беради.

IV. Йиғма департаментнинг тузилмаси

12. Йиғма департаментнинг тузилмасига Йиғма департамент мудир, Йиғма департамент мудирининг макроиқтисодий ривожлантириш ва банк-молия тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Йиғма департамент мудирининг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар масалалари бўйича ўринбосари, шўъбалар мудирлари, тегишли масалалар бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек икки нафар инспектор киради.

Йиғма департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

13. Йиғма департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

14. Йиғма департамент мудир, мудирнинг биринчи ўринбосари, мудир ўринбосарлари, шўъбалар мудирлари ва мутахассислар белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Йиғма департамент фаолиятини ташкил этиш

15. Йиғма департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир биринчи ўринбосарининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Йиғма департаментнинг чораклик иш режалари, мудир, унинг ўринбосарлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади. Йиғма департаментнинг чораклик иш режалари, мудирнинг ва унинг ўринбосарларининг, шўъбалар мудирларининг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси билан келишилади ва Бош вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Йиғма департамент мудир томонидан тасдиқланади.

Йиғма департаментнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари амалга оширилиши тизимли мониторингини таъминлаш бўйича фаолияти мутасаддилик қилинадиган вазирликлар ва идораларда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида режали, комплекс ўрганишларни ўтказиш йўли билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Комплекс, департамент мажлисларида ҳисоботларни эшитиш ва маълумотларнинг тегишли банкини юритиш орқали ташкил этилади.

16. Йиғма департамент мудир:

Йиғма департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз ўринбосарлари, шўъбалар мудирлари, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Йиғма департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Йиғма департаментнинг юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил этади ва ҳужжатларнинг тайёрланган лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул

қилингандан кейин улар амалга оширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

республиканинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг аҳволи ва натижадорлигининг тизимли мониторинги ташкил этилиши ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этишга доир амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

Йиғма департаментнинг тасдиқланган тузилмасига ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинаётган номзодлар бўйича таклифларни, мутахассисларнинг касб даражасини ва амалий малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш чораларини пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда Комплекс раҳбарининг кўриб чиқиши учун киритади;

ўринбосарлар, шўъба мудирлари ва мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини, шунингдек Комплексининг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Комплекс раҳбарига киритади, Йиғма департаментнинг таркибий бўлинмалари ва мутахассислари иш режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган республика Ҳукуматининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан Йиғма департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

17. Йиғма департамент мудирининг вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини биринчи ўринбосар бажаради.

18. Йиғма департамент мудирининг биринчи ўринбосари (ўринбосари): тегишли мутахассисларга бевосита раҳбарлик қилади ҳамда ўзига биркитилган масалалар бўйича Йиғма департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ўзига бўйсунувчи мутахассислар ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

ўзига биркитилган масалалар бўйича материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади, топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

тегишли масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратили-

ши ва юритилиши, уларнинг мунтазам равишда янгилаб борилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

материаллар тўғрисида Ўйғма департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Бош вазирнинг биринчи ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

ислохотларни чуқурлаштириш, республикани, тармоқлар ва худудларни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек тегишли соҳалардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларнинг ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва уларни Ўйғма департамент мудирига тақдим этади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, ўзи мутасаддилик қиладиган соҳага қирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича йиғилишлар ўтказди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорларининг лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

Ўйғма департамент мудирини топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Ўйғма департамент мудирига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

Ўйғма департамент мудирига мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

19. Шўъба мудирини:

шўъба мутахассислари ишларини мувофиқлаштиради ва шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

мутахассислар томонидан шўъбага бириктирилган масалалар, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республика худудлари бўйича маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материаллар, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил этади;

қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларини амалга

ошириш бўйича мутахассислар томонидан ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрланишини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки унинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланишини мувофиқлаштиради, эришилган натижаларнинг доимий асосдаги мониторингини таъминлайди;

масалаларни ўрганиб чиқишни мувофиқлаштиришни ва тегишли давр учун мутахассислар, Йиғма департамент ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқланган иш режаларидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди, танқидий таҳлил асосида тегишли таклифларни кўриб чиқиш учун Йиғма департамент мудирига, унинг ўринбосарига ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига киритади;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва секторлари, шунингдек республика ҳудудлари бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши устидан назоратни амалга оширади;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Йиғма департамент мудирига, мудирнинг ўринбосарига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига, Бош вазирнинг биринчи ўринбосарига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

ислохотларни чуқурлаштириш, республикани, тармоқлар ва ҳудудларни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек тегишли масалалар бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва уларни Йиғма департамент мудирининг ўринбосарига, мудирига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идораларaro комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, ўзи мутасаддилик қиладиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Йиғма департамент мудирини топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича йиғилишлар ўтказди, шунингдек ижрода турган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Йиғма департаментнинг бош мутахассиси:

таклифларнинг ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатлар бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тегишли органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ уларнинг зарур келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Йиғма департамент мудирига, унинг ўринбосарига, шўъба мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича туркумлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар)нинг, таркибий бўлинмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишининг аҳволи ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ижрода турган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонла-

ри, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказиши;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Йиғма департаментнинг етакчи мутахассиси:

таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатлар бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тегишли органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ уларнинг зарур келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Йиғма департамент мудирига, унинг ўринбосарига, шўъба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг қарорлари бажарилиши устидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича туркумлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларининг марказий аппаратлари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар)нинг, таркибий бўлинмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишининг аҳволи ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўткази-

задиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўъба мудирлари билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

22. Инспектор Йиғма департаментда иш юритилишини таъминлайди, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 26 ноябрдаги 302-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни
жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш
масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ташқи иқтисодий фаолият, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти қуйидаги асосий вазифаларни бажаришга йўналтирилган:

биринчи навбатда ташқи савдо айланмасининг мувозанатлилигини кучайтириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, Ўзбекистон Республикасига товарлар ва хизматлар импорти ҳажми ва таркибини мақбуллаштириш юзасидан ягона ташқи иқтисодий сиёсат олиб борилишини таъминлаш;

ташқи иқтисодий алоқалар, ташқи савдо, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида республика ҳудудида вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар, тижорат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилиши ва келишилишини таъминлаш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар ва преференциялар яратиш;

мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан ва жаҳон бозорида конъюнктура ўзгаришини таҳлил қилишдан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, хорижий компаниялар, фирмалар ва банклар билан ташқи иқтисодий ва ташқи савдо ҳамкорлигининг устувор вазифалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

экспорт ва импорт контрактлари бўйича маълумотларнинг электрон базаси ишлаб чиқиши ва жорий этилишини ташкил этиш ва шу асосда республика тармоқлари ва корхоналари бўйича экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажми, таркиби ва турларини чуқур таҳлил қилиш;

республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, энг аввало экспорт таркибида қўшилган қиймат юқори бўлган рақобатбардошли тайёр маҳсулотлар ва хизматлар улушини ошириш, шунингдек товарлар ва хизматларнинг жаҳон бозорларига ва минтақавий бозорларга кириб бориши ҳисобига экспорт ҳажмини янада кўпайтириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тижорат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

импорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажми ва турларини чуқур таҳлил қилиш, ана шундай маҳсулотларнинг халқаро конъюнктурасини тизимли ўрганиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни янада маҳаллийлаштириш йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётни модернизациялашнинг, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилашнинг устувор лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Департамент фаолиятига тегишли қисми юзасидан давлат ва хўжалик бошқарувининг ҳар бир даражасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилишининг тизимли, комплекс ва қатъий назорат қилинишини таъминлаш;

мамлакатимиз экспорти таркибида хизматлар улушини кўпайтиришга йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқиш ва тадбирларни мувофиқлаштириш, туризм соҳасини янада ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар бошлиқларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлари) лойиҳаларининг эксперт жиҳатидан пухта ишланишини, инвестиция ва ташқи савдо шартномаларининг туркумлаштирилган маълумотлар банки шакллантирилиши ва мониторинги олиб борилишини ташкил этиш;

ташқи иқтисодий алоқаларнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиу-

мини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратини ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича таҳлилий ахборотлар билан таъминлаш.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига бўйсунди ва айни вақтда унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар ва фирмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) ташқи савдони таҳлил қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, импорт ҳажми ва турларини мақбуллаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш соҳасида:

ягона давлат ташқи иқтисодий сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, унинг стратегиясини ва амалга ошириш механизмини шакллантиришда қатнашиш, божхона-тариф ва нотариф йўли билан, шу жумладан ташқи савдо бўйича санитария, фитосанитария ва техник чора-тадбирларни қўллаш йўли билан тартибга солишнинг келишилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича давлат бошқаруви органларини мувофиқлаштириш;

мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, хорижий давлатлар билан ташқи савдо айланмасининг мувозанатлилигини кучайтириш, ташқи савдо тузилмасини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасига товарлар ва хизматлар импорти ҳажми ва таркибини мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

экспорт-импорт контрактлари бўйича маълумотлар базаси ишлаб чиқилишини ташкил этиш ҳамда импорт ҳажми ва турларини чуқур таҳлил қилиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни янада маҳаллийлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлаштириши учун тайёр маҳсулот, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхатлари ҳамда импортни қисқартириш бўйича таклифларни шакллантириш йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

республикамизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини

ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар ва тижорат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

мамлакатимиз экспорти таркибида хизматлар улушини кўпайтиришга, энг аввало, туристик ва транспорт-логистик хизматлар экспорти ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқиш ва тадбирларни мувофиқлаштириш;

товарлар (хизматлар)нинг жаҳон бозорларини маркетинг асосида комплекс тадқиқ этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда экспорт таркибини янада кўпайтириш ва такомиллаштириш, экспорт турлари ва географиясини, биринчи навбатда, тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш ҳисобига кенгайтириш, ташқи бозорларга чиқишнинг янги транспорт йўлакларини аниқлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг ҳар йилги прогнозини шакллантириш, унинг бажарилишини таъминлаш юзасидан назоратни амалга ошириш;

экспортни назорат қилиш соҳасида давлат сиёсати ўтказилишини таъминлашда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ҳимоя чора-тадбирларини, демпингга қарши ва компенсация божларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосалари комплекс кўриб чиқилишини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юклардан олдин инспекциядан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқиш ва тадбирларни мувофиқлаштириш;

б) хорижий мамлакатлар, халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, хорижий компаниялар ва банклар билан ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида:

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида республика ҳудудидаги вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар, тижорат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиши ва келишилишини таъминлаш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар ва преференциялар яратиш;

мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан ва жаҳон бозорида конъюнктура ўзгаришини таҳлил қилишдан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, хорижий компаниялар ва банклар билан ташқи иқтисодий ва ташқи савдо ҳамкорлигининг устувор вазифалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини ривожлантириш ва ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграцияси бўйича шарт-шароитлар яратишда ва чора-тадбирлар ижроси мониторингини олиб боришда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий

ва молиявий институтлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги ривожланишини таъминлаш;

в) хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳасида:

иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг устувор лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

инвестиция муҳитини таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими учун шарт-шароитлар ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

потенциал инвесторларни Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция муҳити тўғрисида, шу жумладан инвестиция қўйиш жараёнининг асосий тартиб-қоидалари масалалари, шунингдек таклиф этилаётган инвестиция ҳажмлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномалари тузилиши ва шартларга риоя қилиниши, молиялаштириш ўз вақтида бошланиши ҳамда хорижий инвесторлар ва кредиторлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда алоҳида йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланиши (техник-иқтисодий ҳисоб-китоб)ни, молиялаштириш схемаларини кўриб чиқиш;

хорижий инвестицияларни ва кредитларни жалб этиш учун инвестиция таклифларининг ягона базасини шакллантириш ва мунтазам янгилаб бориш жараёнини мувофиқлаштириш, шунингдек амалга ошириш таклиф қилинаётган инвестиция таклифлари тўғрисидаги маълумотларни потенциал хорижий инвесторлар ва кредиторларга етказиш;

хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш масалалари бўйича халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда бошқа инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш дастурлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, шунингдек ҳамкорликнинг устувор ва истиқболли йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда республикага техник кўмаклашиш маблағлари ва мурувват ёрдами жалб этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасига грантлар жалб этиш ҳажмини кўпайтиришни тизимли асосда таъминлайдиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларини рағбатлантириш чора-тадбирларини қўллаш ишларини мувофиқлаштириш;

г) инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлари) амалга оширилиши экспертизаси ва мониторинги соҳасида:

инвестиция ва ташқи савдо шартномалари (контрактлар) лойиҳалари эксперт жиҳатидан пухта ишланишини, маълумотларнинг туркумлаштирил-

ган электрон банкини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар бошлиқларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган инвестиция ва ташқи савдо шартномалари мониторингини шакллантириш ва юритишни ташкил этиш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича маълумотларнинг туркумлаштирилган электрон базаси яратилишини, юритилишини ва мунтазам янгилаб борилишини таъминлайди;

ўзи мутасаддилик қиладиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради ва таҳлил қилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг тегишли ўринбосари учун, шунингдек уларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўриб чиқиш учун тегишли маълумотномалар, таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

минтақаларда ишларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилишини, шу жумладан жойига борган ҳолда, ўрғанади, ўрганиш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун тегишли таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг топшириқлари ижросини назорат қилади;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади ҳамда улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари бўйича мажлисларини тайёрлаш билан боғлиқ материалларни ишлаб чиқишда ва қарорларни расмийлаштиришда қатнашади, шунингдек мазкур материаллар тўғрисида Бош вазирнинг тегишли ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига ахборот беради, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлис қарорлари бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг тегишли ўринбосари томонидан ўтказиладиган йиғилиш-

ларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқарувининг манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради; Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини, тижорат тузилмалари, корхоналар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг тегишли ўринбосари бошчилик қиладиган тегишли Хукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар ишлари самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чоратадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, корхоналар, фирмалар ва ташкилотлардан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати департаментларининг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий ва прогнозлаш фаолиятини мувофиқлаштириш;

тижорат тузилмалари, корхоналар ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

марказий иқтисодий органлари, уларнинг илмий-тадқиқот марказлари ва институтлари ходимларини, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда ахборот ва таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш учун вақтинчалик эксперт таҳлил гуруҳлари ташкил этиш;

халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар, семинарлар ва кенгашлар ишида, шунингдек ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш муаммоларининг ахборот-таҳлилий тадқиқотлари соҳасидаги халқаро лойиҳаларда қатнашиш;

ташқи иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, шунингдек халқаро, хорижий молиявий ва иқтисодий ташкилотлар, хорижий ҳукумат муассасалари билан мустақил ёзишмаларни юритиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиял органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир тегишли ўринбосарининг топшириғига биноан эса давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент тасарруфидаги соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлисларида ва йиғилишларида қатнашиш;

ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича хорижий давлатлар ҳукуматлари, халқаро, хорижий, молиявий ва иқтисодий ташкилотлар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, хорижий фирмалар ва компаниялар вакиллари билан музокаралар олиб бориш ва уларда қатнашиш;

зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш;

зарурат бўлганда, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларнинг эксперт жихатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудир, шўъбалар мудирлари, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестицияларни жалб этиш, ташқи савдо ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудир, шўъбалар мудирлари ва мутахассислар белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир тегишли ўринбосарининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг чораклик иш режалари, мудир, шўъба мудирлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади. Департаментнинг чораклик иш режалари, мудирнинг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси билан келишилади ва Бош вазирнинг тегишли ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Бош вазирнинг тегишли ўринбосари билан келишилади ва департамент мудир томонидан тасдиқланади.

Департаментнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари амалга оширилиши тизимли мониторингини таъминлаш бўйича фаолияти мутасаддилик қилинадиган вазирликлар ва идораларда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида режали, комплекс ўрганишларни ўтказиш йўли билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Комплекс, департамент мажлисларида ҳисоботларни эшитиш ва маълумотларнинг тегишли банкани юритиш орқали ташкил этилади.

14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Департаментнинг юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқирилишини ташкил этади ва ҳужжатларнинг тайёрланган лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин улар амалга оширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

фаолиятнинг тегишли йўналишларида иқтисодий ислохотларнинг аҳволи ва натижадорлиги тизимли мониторинги ташкил этилишини ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этишга доир амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилишини, фаолиятнинг тегишли йўналишларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

Департаментнинг тасдиқланган тузилмасига ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинаётган номзодлар бўйича таклифларни, мутахассисларнинг касб даражасини ва амалий малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш чораларини пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда Комплекс раҳбарига кўриб чиқиш учун киритади;

ўринбосарлар, шўъба мудирлари ва мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини, шунингдек Комплекснинг ярим йиллик учун иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Комплекс раҳбарига киритади, Департаментнинг таркибий бўлинмалари ва мутахассислари иш режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган республика Ҳукуматининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идо-

ралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан Департамент юритиши соҳасига кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Департамент мудир вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари томонидан белгиланадиган шўъбалар мудирларидан бири бажаради.

16. Шўъба мудир:

шўъба мутахассислари ишини мувофиқлаштиради ва шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

мутахассислар томонидан шўъбага бириктирилган масалалар, тегишли вазирликлар, идоралар бўйича маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материаллар, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил этади;

мутахассислар томонидан қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ҳукумат қарорларини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрланишини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланишини мувофиқлаштиради, эришилган натижаларнинг доимий асосдаги мониторингини таъминлайди;

масалаларни ўрганиб чиқишнинг мувофиқлаштирилишини ва тегишли даврга мутахассислар, Департамент ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш режаларида тасдиқланган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди, танқидий таҳлил асосида департамент мудир ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари кўриб чиқиши учун тегишли таклифлар киритади;

мутахассислар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига, Бош вазирнинг тегишли ўринбосарига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси га ахборот беради;

тегишли масалалар бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва уларни Департамент мудирга тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, ўзи

мутасаддилик қиладиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Департамент мудирини топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича йиғилишлар ўтказди, шунингдек ижрода турган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Хукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

вазифаларнинг тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

17. Департаментнинг бош мутахассиси:

таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатлар бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тегишли органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ уларнинг зарур келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича туркумлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларининг марказий аппаратлари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар)нинг таркибий бўлинмалари, корхоналар, тижорат тузилмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишининг аҳволи ва натижадорлигини доимий асосда ўрғанади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар кирилади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ижрода турган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тижорат тузилмалари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказилади;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади;

вазифаларнинг тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

18. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатлар бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, тижорат тузилмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ уларнинг зарур келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун кири-

тади, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тижорат тузилмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича туркумлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларининг марказий аппаратлари (иктисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар)нинг таркибий бўлинмалари, корхоналар, тижорат тузилмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишининг аҳволи ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўъба мудури билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан ижрода турган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

вазифаларнинг тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

19. Инспектор Департаментда иш юритилишини таъминлайди, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 26 ноябрдаги 302-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза
масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратини таълим ва кадрлар тайёрлаш; соғлиқни сақлаш; ижтимоий муҳофаза; фан ва инновациялар; маданият ва спорт; Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига бўйсунди, айти вақтда унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида:

таълим ва кадрлар тайёрлаш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини таъминлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга оширилишини мониторинг ва таҳлил қилишни таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат хокимияти органларининг таълим ва кадрлар тайёрлаш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, хорижий таълим тузилмалари билан кўп томонлама ва самарали халқаро ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларида, шу жумладан ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқишга қабул қилиш ва кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим муассасалари битирувчиларининг соҳаси ва ихтисослашувининг реал иқтисодиёт корхоналари ва соҳалари эҳтиёжлари билан уйғунлаштирилишини кучайтириш, ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва доимий равишда янгилаб бориш, уларни малакали ўқитувчи кадрлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди билан таъминлаш ҳисобига ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат хокимияти органларининг:

— республикада соғлом авлодни тарбиялашнинг таркибий қисми сифатида болалар спортини ривожлантириш;

— бошланғич мусиқа таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг замонавий моддий-техника базасини ривожлантириш ва шакллантириш, уларни юқори профессионал педагоглар ва мутахассислар билан таъминлаш масалаларидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

б) соғлиқни сақлаш соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат хокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг соғлиқни сақлаш соҳасининг фаолият кўрсатиши масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш, ушбу соҳаларда бошқарув шакллари, усуллари ва тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аҳоли саломатлиги сақланиши ва яхшиланишини мақбуллаштириш, самарадорлигини ошириш ва таъминлаш, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, ушбу соҳада

аниқ йўналтирилганликни ва аҳолини қамраб олишни кучайтириш бўйича вазифаларнинг комплекс ҳал этилишини ташкил қилиш;

аҳолини дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, мамлакатда ватанимиз фармацевтика саноатининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш мониторингини олиб бориш;

оилада тиббий маданиятни ошириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

аҳолига сифатли бепул тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича Ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш;

юқумли касалликларнинг олдини олиш, худудларни ўта хавфли касалликларнинг олиб кирилиши ва тарқалишидан санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш, атроф муҳит гигиенаси ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича санитария-эпидемиология хизмати фаолияти билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш;

ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни, шу жумладан ОИТС, сил касаллиги ва шу кабиларни даволаш ҳамда олдини олишни ташкил этиш бўйича тизимли тадбирлар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

в) ижтимоий муҳофаза соҳасида:

ижтимоий муҳофаза соҳасидаги энг муҳим дастурларнинг амалга оширилиши тизимли ва комплекс мониторингини ҳамда таҳлилини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатилишини амалга оширишдаги фаолияти мувофиқлаштириб борилишини таъминлаш;

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жойларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, жисмонан соғлом ва маънавий бой ёш авлодни камол топтириш масалаларидаги фаолиятини ташкил этиш;

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг чуқур ва мустақил фикрлайдиган, демократик кадриятларни, бозор иқтисодиётини пухта ўзлаштирган жисмонан соғлом, маънавий етук ёшларни камолга етказишдаги фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг узоқ муддатли ва кенг кўламли иқтисодий ва маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирокини таъминлаш;

давлат ва жамоат тузилмаларининг хориждан республикага келадиган мурувват ёрдамини аниқ йўналтирилган ҳолда ва мақсадли тақсимлаш ҳамда кейинчалик ундан самарали фойдаланилиши мониторингини олиб боришдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

г) фан ва инновациялар соҳасида:

мувофиқлаштирилиши Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига юкланган дав-

лат илмий-техника ва инновация дастурлари амалга оширилиши мониторинги ва таҳлилини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг илмий ва технология салоҳиятини янада ривожлантириш, иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада ислох қилишнинг стратегик вазифалари ва устувор йўналишларига мувофиқ мамлакатни илмий-техник ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг савияси, сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш;

Фанлар академияси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фан ва инновациялар, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

фан соҳасини бошқариш ва молиялаштириш принципларини такомиллаштириш, бозор механизмларини илмий ва инновацион фаолиятдаги бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимига кенг жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Олий аттестация комиссияси, Фанлар академияси, вазирликлар, идоралар, илмий ташкилотлар ва муассасаларнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиши таъминлаш;

Патент идорасининг саноат мулкни муҳофаза қилиш, селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни, маълумотлар базаларини ва интеграл схемалар топологияларини шакллантириш ва амалга ошириш масалаларидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

д) маданият ва спорт соҳасида:

маданият ва спорт масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

маданият ва спорт соҳасидаги ишларнинг аҳволини тизимли ва комплекс ўрганишни, таҳлил қилишни ташкил этиш;

маданият, оммавий спорт соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, халқнинг бой маданий меросини тиклаш, асрлар давомида шаклланган юксак маънавиятни, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмоний соғлом, маънавий бой ва ҳар томонлама камол топган шахсларни тарбиялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатишни, уларнинг ҳарбий қисмларга қабул қилилишини, шунингдек резервга бўшатишган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жой-

ларига қайтиб келишини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларида ташкилий жиҳатдан кўмаклашиш;

спортда юксак ютуқларни ривожлантириш ҳамда Олимпия ўйинларида, жаҳон чемпионатларида, бошқа халқаро мусобақаларда Ўзбекистон номидан муносиб қатнашишга қодир бўлган юқори классли спортчиларни қўллаб-қувватлаш ва тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ диний масалаларни ҳал этишда ягона сиёсат амалга оширилишини таъминлаш;

санъат, кино, кино- ва видеофаолият соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилиши ва бажарилишини таъминлаш;

е) Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш соҳасида:

«Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилишини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажариш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш;

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги Давлат дастурининг тизимли ва комплекс жорий этилишини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикасида давлат тилининг амал қилиши соҳасида мониторинг ва таҳлилни таъминлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жамоат ташкилотларига ва ҳаракатларига, маҳалла қўмиталарига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига мамлакатимизда рўй бераётган кенг кўламли ўзгартиришларнинг моҳиятини очиб бериш бўйича аҳоли ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва ташвиқот-тарғибот ишларининг таъсирчанлиги ва самардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда кўмаклашишни ташкил этиш. Бизнинг миллий манфаатларимизни таъсирчан ва изчил ташвиқ ва тарғиб қилишни, мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлашни, миллий анъана ва урф-одатларимизни сақлаб қолишни, қабул қилинган қонунлар, давлат дастурлари, кенг кўламли ислохотлар, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари моҳиятини тушунтириш ва шарҳлашни ташкил этиш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва мумлаштиради;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ҳудудларда ишларнинг аҳо-

лини ўрганади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазир ўринбосари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқларни ривожлантириш, тегишли тармоқларда ислохотларни чуқурлаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг топшириқлари ижросини назорат қилади;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базалари яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва ҳўжалик бошқаруви манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва ҳўжалик бошқарувининг мутасаддилик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ҳукуматлараро битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комис-

сиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар ишлари самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиял органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир ўринбосарининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент тасарруфидаги соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлисларида ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материалларни, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва

Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

Ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудир, таълим ва кадрлар тайёрлаш; соғлиқни сақлаш; ижтимоий муҳофаза; фан ва инновациялар; маданият ва спорт; Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудир ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг иш режалари, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг иш режалари, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси билан келишилади ва

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари билан келишилади ва Департамент мудирининг томонидан тасдиқланади.

Департаментнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари амалга оширилиши тизимли мониторингини таъминлаш бўйича фаолияти мутасаддилик қилинадиган вазирликлар ва идораларда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида режали, комплекс ўрганишларни ўтказиш йўли билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Комплекс, департамент мажлислаарида ҳисоботларни эшитиш ва маълумотларнинг тегишли банкени юритиш орқали ташкил этилади.

14. Департамент мудирининг:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

республиканинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг аҳволи ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторинг ташкил этилиши ҳамда маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш, республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бажарилишини таъминлайди;

Департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ҳамда Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда комплекс раҳбарига кўриб чиқиш учун киритади;

мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишини, шунингдек комплекснинг ярим йиллик учун иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва комплекс раҳбарига тасдиқлаш учун киритади, Департамент мутахассисларининг иш режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган республика

Ҳукумати қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Департамент мудури вақтинчалик бўлмаганда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари томонидан белгиланадиган Департаментнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

16. Департаментнинг бош мутахассиси:

ўз функционал вазифаларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатларнинг сифати, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва ҳўжалик бошқарувининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар юзасидан зарур таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ зарур келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисида Департамент мудурига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ҳамда унинг ўринбосарларининг иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича топшириқларининг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши юзасидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шакллантиришни ва юритишни, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари марказий аппаратлари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлари)нинг таркибий бўлинмалари ишларининг аҳволи ва натижадорлигини доимий равишда ўрганиб боради, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади.

Ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказиши;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

17. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

ўз функционал вазифаларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатларнинг сифати, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар юзасидан зарур таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ зарур келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ҳамда унинг ўринбосарларининг иқтисоди-

ётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши юзасидан тизимли назоратни амалга оширади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шакллантиришни ва юритишни, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари марказий аппаратлари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлари)нинг таркибий бўлинмалари ишларининг аҳволи ва натижадорлигини доимий равишда ўрганиб боради, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритади.

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

бош мутахассис билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ижрода бўлган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

вазифаларнинг тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

18. Инспектор Департаментда иш юритишни амалга оширади, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 26 ноябрдаги 302-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси, унинг Президиуми, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро шартномалар лойиҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқиш, шунингдек халқаро шартномалар бажарилишини назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш бўйича фаолиятини таъминлайдиган таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига бўйсунди.

4. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳалари бўйича иш режаларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва уларнинг қўмиталари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

халқаро шартномалар лойиҳалари ва халқаро шартномаларни имзолаш, уларга қўшилиш, уларни ратификация қилиш ва тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифлар лойиҳаларини эксперт жиҳатдан пух-

та ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш;

халқаро шартномаларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя қилинишини ва ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари амалга оширилишининг туркумланган маълумотлар банкини шакллантириш ва мониторингини олиб бориш.

6. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар тайёрлайди;

қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади ва уларни тайёрлайди;

қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириш тўғрисида, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлиги ва яхлитлигини таъминлаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси кўриб чиқиши учун киритади;

қонун ҳужжатларининг тизимли ҳисобини юритади, қонун ҳужжатлари бўйича маълумотнома ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда белгиланган тартибда Ҳукумат қарорларини талқин қилиш ва қўллаш бўйича тушунтиришларни тайёрлайди ва уларни тайёрлашда иштирок этади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси кўриб чиқиши учун киритади;

қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар қарорлари лойиҳаларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ва Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмаларига ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати таркибий бўлинмаларини, унинг мутахассисларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари, шунингдек қонун ҳужжатлари бўйича маълумотнома материаллар билан таъминлашни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишлар материалларини тайёрлашда ва қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси бўйруқлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умумий бўлими билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўпламини нашр этишга тайёрлайди;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда кўйилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифларни тайёрлайди, ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш ва чора кўриш учун давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқирилишини назорат қиладди, фуқароларни қабул қиладди;

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ишларини ташкил қилиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа органлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати таркибий бўлинмалари билан биргаликда Бош вазирнинг кўриб чиқиши учун Ҳукуматнинг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ишлари режалари лойиҳаларини киритади;

Ҳукуматнинг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ишлари режаларининг бажарилиши мониторинги олиб борилишини, кўрсатиб ўтилган режаларнинг амалга оширилишининг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мунтазам хабардор қилинишини ташкил этади;

Бошқарма ваколатига қирадиган масалалар бўйича қонун лойиҳалари-

нинг ишлаб чиқилишини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига белгиланган тартибда такдим этилишини ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қўмиталари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳалари улар томонидан муҳокама этилишида қатнашади, тегишли қонун лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг вакиллари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида қонун лойиҳаларини муҳокама этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари ишини мувофиқлаштиради;

в) халқаро шартномалар лойиҳалари ва халқаро шартномаларни имзолаш, уларга қўшилиш, уларни ратификация қилиш ва тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифлар лойиҳаларини эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил этиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати тегишли таркибий бўлинмалари билан биргаликда халқаро шартномалар лойиҳалари ва халқаро шартномаларни имзолаш, уларга қўшилиш, уларни ратификация қилиш ва тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалалар белгиланган тартибда эксперт жиҳатидан пухта ишлаб чиқилишини ташкил этади;

халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва келишиш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси топшириқларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни тайёрлашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўринбосарлари топшириғига кўра Бошқармага тегишли соҳага кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари раҳбарлик қиладиган Ҳукуматлараро комиссиялар ва қўмиталар мажлисларида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тайёрлаш ва тузиш масалалари бўйича хорижий давлатлар ҳукуматлари, халқаро ташкилотлар вакиллари билан ўтказиладиган музокараларда иштирок этади;

г) халқаро шартномаларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя қилинишини ва ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя қилинишини ва ташқи иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида халқаро шартномалар лойиҳалари белгиланган тартибда эксперт жиҳатидан пухта ишлаб чиқирилишини ва улар юзасидан хулосалар тайёрлинишини ташкил қилади;

халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва келишишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига ва ташқи иқтисодий хавфсизлигига риоя қилинишини таъминлаш масалаларида тегишли вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси топшириқларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланиши лозим бўлган халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

шартномаларни тайёрлаш ва тузиш масалалари бўйича хорижий давлатлар ҳукуматлари, фирмалар, компаниялар ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, халқаро ташкилотлар вакиллари билан ўтказиладиган музокараларда иштирок этади;

д) Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг туркумлаштирилган маълумотлар банкени шакллантириш ва юритиш ҳамда амалга оширилиши мониторингини олиб бориш соҳасида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини бажариш масалалари бўйича ахборотларни тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг туркумлаштирилган маълумотлар банкени шакллантиришни, юритишни ва мунтазам равишда янгилаб боришни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларни бажаришнинг аҳволи тўғрисида туркумлаштирилган маълумотлар банкени ва таҳлилий базани шакллантириш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амалга оширилиши мониторинги олиб борилишини ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини бажариш масалалари бўйича таҳлилий ва маълумотнома материаллари тайёрлайди.

Бошқарма белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

III. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

тегишли материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг топшириғига кўра давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, ушбу мақсадларда ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

8. Бошқарма:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўриб чиқиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилиши учун тайёрланадиган ва киритиладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳуқуқий экспертизасининг комплекслиги ва сифати учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши мониторингини олиб бориш таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомининг таъминланиши учун жавоб беради.

IV. Бошқарманинг тузилмаси

9. Бошқарма таркибига ҳуқуқий экспертиза бўлими ҳамда халқаро шартномаларни экспертизадан ўтказиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги бўлими киради.

Бошқарма тузилмаси Бошқарма бошлиғи, ҳуқуқий экспертиза бўлими мудири, халқаро шартномаларни экспертизадан ўтказиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги бўлими мудири, тегишли масалалар бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек икки нафар инспектордан иборат бўлади.

Бошқарма тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

10. Бошқарма ишларига бошлиқ раҳбарлик қилади.

11. Бошқарма бошлиғи, бўлимлар мудирлари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

12. Бошқарма ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Бошқарманинг иш режалари, бошлиқнинг, бўлимлар мудирлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Бошқарманинг иш режалари ва Бошқарма бошлиғининг шахсий иш

режаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан тасдиқланади.

Бўлим мудирлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Бошқарманинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари амалга оширилиши тизимли мониторингини таъминлаш бўйича фаолияти мутасаддилик қилинадиган вазирликлар ва идораларда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида режали, комплекс ўрганишларни ўтказиш йўли билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Комплекс, департамент мажлисларида ҳисоботларни эшитиш ва маълумотларнинг тегишли банкни юритиш орқали ташкил этилади.

13. Бошқарма бошлиғи:

Бошқармага бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлимлар мудирлари ва мутахассислар ишини ташкил қилади ҳамда Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ташкил этилишини, шунингдек Бошқарма соҳасига кирувчи масалалар бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари тайёрланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича иш режалари ишлаб чиқирилишини ва амалга оширилишини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва уларнинг қўмиталари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилади;

халқаро шартномалар лойиҳалари ва халқаро шартномаларни имзолаш, уларга қўшилиш, уларни ратификация қилиш ва тасдиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифлар лойиҳалари эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқирилишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ташрифлари, шунингдек хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари давомида имзоланган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари амалга оширилишининг туркумланган маълумотлар банки шакллантирилишини ва мониторинги олиб борилишини ташкил қилади;

Бошқарманинг юритиши соҳасига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган ва улар бўйича республика Ҳукумати қарори талаб этилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборди;

тасдиқланган тузилма ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимга тавсия этиладиган номзодлар бўйича таклифларни Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири кўриб чиқиши учун киритади, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш чораларини кўради, шунингдек уларни рағбатлантириш ёки уларга танбех бериш бўйича таклифлар киритади;

Бошқарманинг бўлим мудирлари ва мутахассислари ўртасида вазифалар тақсимотини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан тасдиқлаш учун киритади;

Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратида амал қиладиган Йўриқномага мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

14. Бошқарма бошлиғи вақтинча бўлмаганда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан белгиланадиган бўлим мудирларидан бири бажаради.

15. Бўлим мудирини ўзига биркитилган масалалар юзасидан:

бўлимга бевосита раҳбарлик қилади ва Бошқарма зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда бўлимдаги ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ва тайёрланишини ташкил этади, кўрсатиб ўтилган лойиҳаларга виза қўяди ва улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлашда ва экспертизадан ўтказишда бевосита қатнашади, улар бўйича тегишли таҳлилий ва маълумотнома материаллар, эксперт хулосалар тайёрланишини таъминлайди;

тегишли масалалар бўйича туркумлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгилаб борилишини назорат қилади;

материаллар тўғрисида Бошқарма бошлиғига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

республика қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек қонунчиликнинг тегишли соҳаларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва Бошқарма бошлиғига тақдим этади;

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ҳамда ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан ўтказиладиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан йиғилишлар ўтказади;

Бошқарма бошлиғининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Бошқарма бошлиғига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, малакасини ошириш, рағбатлантириш ва уларга танбەх бериш тўғрисида Бошқарма бошлиғига таклифлар тақдим этади.

Бўлим мудури вақтинча бўлмаганда унинг вазифасини бўлимнинг Бошқарма бошлиғи томонидан белгиланадиган бош мутахассисларидан бири бажаради.

16. Бошқарманинг бош мутахассиси ўзига биркитилган масалалар бўйича: материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Бошқарма бошлиғи, бўлим мудури топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, уларнинг сифатли ишлаб чиқилиши ва топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назорат таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро шартномалар лойиҳаларини ва бошқа материалларни ўрганади, уларни эксперт жиҳатидан пухта ишлаб чиқади, улар бўйича тегишли таҳлилий ва маълумотнома материаллар, эксперт хулосалар тайёрлайди;

халқаро шартномаларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб боради;

халқаро шартномаларнинг туркумлаштирилган маълумотлар базасини юритади, уларни мунтазам равишда янгилаб боради;

материаллар тўғрисида Бошқарма бошлиғига, бўлим мудурига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига ахборот беради;

қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини талқин қилиш

ва тушунтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Бошқарма бошлиғига, бўлим мудирига такдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан ўтказиладиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқишга тайёрлаш, шунингдек ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама этиш учун йиғилишлар ўтказилади.

17. Бошқарманинг етакчи мутахассиси ўзига биркитилган масалалар юзасидан:

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Бошқарма бошлиғига, бўлим мудирга топшириқларини бажаради, материаллар ўз вақтида тайёрланиши, уларни ишлаб чиқишнинг сифати ва топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назорат таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқади, улар юзасидан эксперт хулосалари тайёрлайди;

материалларни Бошқарма бошлиғига, бўлим мудирига, тегишли бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига такдим этади;

мутасаддилик қилинадиган масалалар бўйича тегишли маълумотнома ва таҳлилий материалларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси томонидан ўтказиладиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Бошқарма бошлиғига, бўлим мудирга ёки тегишли бош мутахассис билан келишган ҳолда ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини давлат ва хўжалик бошқаруви органла-

ри, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади.

18. Инспекторлар Бошқармада ва бўлимларда иш юритилишини таъминлайди, ҳужжатлар ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғма жилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлаш учун ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзларига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 26 ноябрдаги 302-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарори 1-бандининг саккинчи хатбоши ва қарорга 7-илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2005 йил 1 апрелдаги 94-сон қарорига илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 18-модда) I бўлимининг 6 ва 7-бандлари, II бўлимининг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сон қарори)» 2006 йил 2 октябрдаги 207-сон қарорига 1-илованинг 26-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 73-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2008 йил 14 январдаги 6-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2008 йил 2 майдаги 82-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ-834-сон қарори) 2008 йил 20 майдаги 100-сон қарорига илованинг 5-банди 2-кичик банди, 11-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 5-сон, 19-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**524 Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантиришни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Футболни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, унинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний маданиятини юксалтиришдаги ролини ошириш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерацияларининг футболни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш масалаларидаги фаолиятини фаоллаштириш, шунингдек уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерацияларига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишни юклаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

футболнинг барча турларини, шу жумладан ҳаваскорлик футболни ва профессионал футболни ривожлантиришнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

футбол клублари ва жамоаларига уларнинг футбол бўйича ҳудудий, республика ва халқаро мусобақаларга тайёрланишида ва уларда қатнашишида ҳар томонлама кўмаклашиш;

аҳоли кенг қатламлари ўртасида футбол бўйича мусобақалар ўтказишни ташкил этиш;

Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларига номзодлар тайёрлаш учун жавоб берадиган асосий футбол клублари сифатида уларнинг ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ривожлантириш ҳамда футбол клублари учун резерв тайёрлаш мониторингини амалга ошириш;

футболчилар, тренерлар ва ҳакамлар, шунингдек тегишли ҳудуддаги футбол бўйича бошқа мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

футболни, шу жумладан халқаро аренада ривожлантиришга катта ҳисса қўшган футбол федерациялари аъзоларини, футболчилар, тренерлар ва ҳакамларни, футбол фахрийлари ва бошқа мутахассисларни ахборотлар билан, илмий-методик ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга кўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан ишлаб чиқилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерациялари тўғрисидаги Намунавий низом иловага мувофиқ маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерацияларига Ўзбекистон Футбол федерацияси билан келишган ҳолда Намунавий низомга мувофиқ ўз уставларини бир ой муддатда қайта кўриб

чиқиш ва адлия органларига давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда тақдим этиш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерацияларининг уставларини давлат рўйхатидан ўтказишда кўмаклашсин.

3. Тегишли ҳудудлар футбол федерацияларининг президентлари ҳисобланадиган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклансин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерацияларининг молиявий ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, тегишли ҳудудда футболни ривожлантириш учун ҳомийлар топишда, шунингдек уларни жойлаштириш учун бинолар ажратишда кўмаклашиш;

профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг ривожланишини доимий назорат қилиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда кўмаклашиш;

тегишли ҳудудда профессионал футболни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш.

4. Ўзбекистон Футбол федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий олимпия қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерациялари иш ҳақи фондларининг 50 фоизини Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларини янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида:

профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол бўйича янги болалар-ўсмирлар спорт мактабларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш учун 2010 йилда тенг улушларда 8 млрд сўм миқдоридида маблағ ажратишни назарда тутсинлар;

профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ривожлантириш учун тегишли лойиҳа-смета ҳужжатлари бир ой муддатда тайёрланишини таъминласинлар ҳамда уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этсинлар.

6. Фарғона (Х. Неъматов), Наманган (Б. Юсупов) ва Самарқанд (Ў. Барноев) вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда:

«Фарғона» (Фарғона шаҳри), «Навбахор» (Наманган шаҳри), «Динамо» (Самарқанд шаҳри) марказий стадионларини мукамал таъмирлаш юзасидан тегишли лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланишини бир ой муддатда таъминласинлар ҳамда уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этсинлар;

2011 йил футбол мавсуми бошлангунгача кўрсатиб ўтилган стадионларни халқаро стандартларга мувофиқ мукамал таъмирласинлар.

7. Ўзбекистон Футбол федерациясига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерацияларининг раҳбар ва штатдаги ходимларига нисбатан талабларни, уларнинг малакасини, ишбилармонлик, касбий ва бошқа сифатларини, малакасини ошириш даврийлигини ҳисобга олган ҳолда белгилаш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида оммавий футбол харақатининг ривожланишини, энг яхши футбол клублари, спорт мактаблари, жисмоний тарбия жамоалари, футбол бўйича тренерлар ва бошқа мутахассислар фаолиятини мунтазам равишда ва кенг ёритсинлар, расмий футбол ўйинлари ўтказилишини тарғиб ва реклама қилсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 декабрь,
304-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 3 декабрдаги 304-сон қарорига
ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар футбол федерациялари тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ

I. Асосий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерациялари фаолиятининг асосий принциплари ва йўналишларини белгилайди.

2. Ушбу Намунавий низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Халқаро Футбол Федерацияси — жаҳонда футболнинг барча турларини, ҳаваскорлик футболни ва профессионал футболни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқариш юзасидан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган ташкилот;

Осиё Футбол Конфедерацияси — мамлакатларнинг Осиё қитъасига қирадиган Миллий футбол федерацияларини бирлаштирувчи ҳамда Осиёда-

ги футболнинг барча турларини, хаваскорлик футболни ва профессионал футболни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқариш юзасидан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган ташкилот;

Ўзбекистон Футбол федерацияси — Ўзбекистонда футболнинг барча турларини, шу жумладан хаваскорлик футболни ва профессионал футболни ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи ташкилот;

Спорт ва жисмоний тарбия — оммавий тадбирлар регламенти (Регламент) — спорт ва жисмоний тарбия — оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайдиган ҳамда улар юзасидан шартлар ва талабларни қўлланиш ва бажариш тартибини белгилайдиган қоидалар йиғиндисидан иборат бўлган асосий ҳужжат;

Спорт ва жисмоний тарбия — оммавий тадбирлар тўғрисида низом (Низом) — спорт ва жисмоний тарбия — оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайдиган асосий ҳужжат;

ўқув-тренировка йиғинлари — спорт йўналишига, педагогик ва тарбиявий характерга эга бўлган, футболчиларни мусобақаларда ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда муваффақиятли қатнашишга тайёрлаш учун спорт маҳоратини оширишга йўналтирилган уюштирилган тадбирлар;

футбол бўйича тренер — юқори малакали ва спорт резерви футболчиларини тайёрлаш бўйича мутахассис ҳисобланадиган шахс;

футболчи — хаваскорлик ёки профессионал асосда футбол билан мунтазам равишда шуғулланадиган, ўз спорт маҳоратини доимий ошириб борадиган ва футбол бўйича ўтказиладиган мусобақаларда мунтазам қатнашадиган шахс;

футбол бўйича ҳакам — футбол бўйича мусобақаларни ўтказишда уларнинг Қоидаларига ва регламентловчи ҳужжатларига мувофиқ уларни назорат қилиш ва бошқаришни таъминлайдиган шахс;

футбол бўйича терма жамоалар — футболчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштириш ва спорт маҳоратини ошириш мақсадида шакллантирилган, раҳбарлар, менежерлар, маъмурлар, тренерлар, футболчилар, врачлар, фармацевтлар, массажчилар, психологлар, илмий ва хизмат кўрсатувчи ходимлар ва бошқа мутахассислардан иборат бўлган жамоалар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар футбол федерациялари (кейинги ўринларда Федерация деб аталади) футболни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахсларни бирлаштирувчи, тегишли ҳудудларда футболнинг барча турларини, шу жумладан хаваскорлик футболни ва профессионал футболни ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи нодавлат ноижорат ташкилотлар ҳисобланади.

4. Федерация белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

5. Федерация ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Намунавий низомга, шунинг-

дек ўз уставига ҳамда Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳужжатларига амал қилади.

II. Федерациянинг мақсади ва вазифалари

6. Қўйидагилар Федерациянинг мақсади ва вазифалари ҳисобланади: футболнинг барча турларини, ҳаваскорлик футболни ва профессионал футболни ривожлантиришнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

футбол клублари ва жамоаларига уларнинг футбол бўйича ҳудудий, республика ва халқаро мусобақаларга тайёрланишида ва уларда қатнашишида ҳар томонлама кўмаклашиш;

аҳоли кенг қатламлари ўртасида футбол бўйича мусобақалар ўтказишни ташкил этиш;

Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларига номзодлар тайёрлаш учун жавоб берадиган асосий футбол клублари сифатида уларнинг ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ривожлантириш ҳамда футбол клублари учун резерв тайёрлаш мониторингини амалга ошириш;

футболчилар, тренерлар ва ҳакамлар, шунингдек тегишли ҳудуддаги футбол бўйича бошқа мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

футболни, шу жумладан халқаро аренада ривожлантиришга катта ҳисса қўшган футбол федерациялари аъзоларини, футболчилар, тренерлар ва ҳакамларни, футбол фахрийлари ва бошқа мутахассисларни ахборотлар билан, илмий-методик ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга кўмаклашиш;

жойларда футбол бўйича спорт-оммавий тадбирлар ўтказиш орқали тинчлик, дўстлик ва ўзаро ҳамфикрлик ғояларини тарғиб қилиш;

футболни тарғиб қилиш ва ривожлантириш, унинг манфаатлари ва қадриятларини ҳимоя қилиш, тегишли ҳудудларда жойлашган турли ташкилотларда футболни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш;

футболни ахборотлар билан, илмий-методик ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

футболчилар, тренерлар ва ҳакамларнинг, шунингдек тегишли ҳудуддаги футбол бўйича бошқа мутахассисларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

III. Федерациянинг фаолияти

7. Федерация ўз фаолиятини контрактлар (шартномалар), ўзаро ихтиёрий ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларнинг тақиқланмаган бошқа шакллари асосида амалга оширади.

8. Федерация мақсади ва вазифаларига эришиш учун:

футбол бўйича чемпионатлар ва кубокларни, турли турнирлар, фестиваллар, конференциялар ва симпозиумларни ташкил этади ва ўтказиш;

футболчилар, тренерлар ва ҳакамлар, шунингдек тегишли ҳудуддаги

футбол бўйича бошқа мутахассислар учун, шу жумладан республика ва халқаро курслар, семинарлар ва йиғинлар ташкил қилади ва ўтказди;

тегишли ҳудудда футболни ривожлантиришни мувофиқлаштиради, федерация аъзолари, футболчилар, тренерлар ва ҳакамлар, шунингдек тегишли ҳудуддаги футбол бўйича бошқа мутахассислар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган келишмовчиликлар ва баҳсларни тартибга солишни таъминлайди;

Федерация уставини, футбол ва унинг қоидаларини бузиш ва суиистеъмор қилишнинг турли шакллари, мусобақага зарарли ва бошқа салбий методлар ёки амалиётнинг жорий этилишини бартараф этишга йўналтирилган зарур чора-тадбирларни ташкил қилади;

футболчилар, тренерлар ва ҳакамларни, шунингдек тегишли ҳудуддаги футбол бўйича бошқа мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилади;

футбол бўйича илмий-методик ва оммабоп адабиётлар нашр этиш, шунингдек тадбиркорлик билан шуғулланишни ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолиятни белгиланган тартибда амалга оширади.

9. Ўзбекистон Футбол федерациясига футбол бўйича терма жамоаларни, футбол клубларини, футболчилар, тренерлар ва ҳакамларни, шунингдек тегишли ҳудуддаги футбол бўйича бошқа мутахассисларни тавсия этади.

10. Федерация:

тегишли ҳудудларнинг терма жамоалари ва футбол клубларининг ҳужжатларни расмийлаштирмасдан Халқаро Футбол Федерацияси, Осиё Футбол Конфедерацияси ва Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан ўтказиладиган мусобақаларда ва бошқа спорт мусобақаларида қатнашишига;

футболчилар, тренерлар, ҳакамлар ва футбол бўйича бошқа мутахассислар томонидан футбол ўйинлари қоидаларининг, Регламент ва Низомнинг, ўзларининг фаолиятига тааллуқли бошқа ҳужжатлар нормалари ва талабларининг бузилишига;

Халқаро Футбол Федерацияси, Осиё Футбол Конфедерацияси, Ўзбекистон Футбол федерациясининг тегишли рухсатномаларига эга бўлмаган шахслар томонидан тренерлик ва ҳакамлик фаолияти юритилишига йўл қўймаслик бўйича зарур чора-тадбирларни кўриши керак.

11. Федерация футбол бўйича терма жамоаларни ва уларнинг резервини ва/ёки алоҳида футболчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-тренировка машғулотлари йиғинларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларидаги ўз фаолиятини ҳам республика ҳудудида, ҳам чет элда амалга ошириши мумкин.

12. Федерация ўзининг мақсади, вазифалари ва функцияларини тўлақонли бажариш учун доимий фаолият кўрсатадиган органларга эга бўлиши, зарур маблағларни қидириб топиши, боғланиш телефонлари (факс)га, электрон почта ва сайт (веб-сайт)га эга бўлиши, Федерация ходимларига ўз зиммасига юкланган функцияларини тўлақонли ва самарали бажариши учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак.

13. Федерация ўз ишлари ва тадбирларининг йиллик режаларини иш-

лаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Футбол федерациясига тақдим этади.

14. Федерация Халқаро Футбол Федерацияси, Осиё Футбол Конфедерацияси ва бошқа халқаро органларда Ўзбекистон футбол федерацияси номидан мустақил равишда вакиллик қилиши мумкин эмас.

15. Федерация Халқаро Футбол Федерацияси, Осиё Футбол Конфедерацияси ва Ўзбекистон Футбол федерацияси шафелигида тегишли ҳудудда футбол бўйича мусобақалар ва бошқа тадбирларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши учун жавоб беради.

IV. Федерациянинг раҳбарияти ва органлари

16. Федерация раҳбарияти ва маъмурияти таркибини сайлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Федерациянинг ўз уставига назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклига мувофиқ белгиланади.

Федерациянинг биринчи вице-президенти ва штатлар рўйхати Ўзбекистон Футбол федерацияси билан келишган ҳолда Федерация томонидан тасдиқланади.

Федерация (аппарати)нинг раҳбарияти ва маъмурияти таркиби тузилмаси ушбу Намунавий низомга иловада белгиланган.

17. Федерация белгиланган тартибда тегишли ҳудудда футболни янада ривожлантириш масалаларини ҳал этиш бўйича ўз қўмиталари, кенгашлари ва комиссияларини ташкил этиши, шунингдек жамғармалар ва бошқа ташкилотлар ташкил қилиши, ноширлик фаолияти ҳамда ўзининг мақсади ва вазифаларига мувофиқ бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин.

V. Футболда шахсларнинг фаолиятини ташкил этишнинг умумий қоидалари. Футбол бўйича спорт тадбирларини ўтказиш, терма жамоаларни шакллантириш ва таъминлаш тартиби

18. Футбол учун мўлжалланган спорт иншоотлари, футбол ташкилотлари, шунингдек терма жамоалар раҳбарлари, футбол клублари ва футбол бўйича бошқа жамоалар, тегишли ҳудуднинг футбол бўйича барча даражалардаги тренерлари Федерация билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

19. Футболчилар билан ўқув-тренировка машғулотларини ўтказиш фақат Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан белгиланган тартибда футбол бўйича тренерлик фаолиятига йўл қўйилган шахслар томонидан амалга оширилади.

Футбол бўйича тренерлар, футболчилар, футбол бўйича ҳакамлар ва тегишли ҳудуд футболи бўйича бошқа мутахассисларнинг контрактлари (шартномалари)ни рўйхатдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан белгиланади.

20. Футбол бўйича тренерлар, ҳакамлар ва тегишли ҳудуддаги футбол бўйича бошқа мутахассисларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича машғулотларни ўтказиш фақат Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан ушбу фаолият билан шуғулланишга белгиланган тартибда қўйилган шахслар томонидан амалга оширилади.

21. Ўқув-тренировка йиғинларини ташкил этиш ва ўтказиш Федерация қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

22. Футбол мусобақалари, ҳудудий мақомидан, Федерация тақвимига киритилган даражаси ва кўламидан қатъи назар, Федерациянинг расмий мусобақалари ҳисобланади ҳамда Федерациянинг раҳбарлигида ва Ўзбекистон Футбол федерациясининг кузатуви остида ўтказилади.

Федерация тақвимига киритилган мусобақаларни бошқариш, уларни ўтказиш Федерация томонидан рўйхатдан ўтказилган ҳакамлар томонидан амалга оширилади.

Федерациянинг расмий мусобақаларида қатнашишга қўйиш мусобақалар тўғрисидаги Регламентга ва Низомга ҳамда Футбол ўйини қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Федерациянинг расмий мусобақалари ўтказилаётганда:

Федерациянинг аъзолари ҳисобланмаган, Федерацияда аккредитациядан ўтмаган ҳамда Федерациянинг расмий хомийлари ҳисобланмаган ташкилотларнинг рамзлари, логотиплари ва қисқартма сўзларидан реклама мақсадларида фойдаланишга;

Федерацияда аккредитациядан ўтмаган жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳар қандай суратга олиш ва трансляцияларга;

Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан маъқуланмаган спорт кийимлари, инвентарь ва жиҳозлардан, шунингдек электрон, ўлчов, техник ва бошқа ёрдамчи воситалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

23. Тегишли ҳудуднинг турли ташкилотлари томонидан ўтказиладиган футбол мусобақалари Федерация томонидан тасдиқланиши керак. Футбол ўйини қоидаларига риоя қилинишини ва турли ташкилотлар томонидан ўтказиладиган мусобақаларни уларни тартибга солувчи ҳужжатларга мувофиқ бошқаришни назорат қилишни таъминлаш фақат Федерация томонидан тавсия этилган футбол ҳакамлари томонидан амалга оширилиши керак.

24. Футболни оммалаштиришга, уни илмий-методик ва техник жиҳатдан таъминлашга, футбол мураббийлари, футболчилар ва футбол ҳакамларининг, шунингдек футбол бўйича бошқа мутахассисларнинг малакасини оширишга йўналтирилган фестиваллар, конференциялар, симпозиумлар, курслар, семинарлар, йиғинлар, спорт-кўнгилочар, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва бошқа спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш Федерациянинг қарорига кўра амалга оширилади.

25. Тегишли ҳудуднинг футбол бўйича терма жамоалари ва уларнинг захираси Федерация ва Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан тасдиқланади.

Терма жамоалар ва уларнинг захирасини шакллантириш шартлари, талаблари ва тартиби белгиланган тартибда тасдиқланади.

Тегишли ҳудуднинг футбол бўйича терма жамоалари ва уларнинг захираси катта ёшдагилар, ёшлар (ўсмирлар), ўсмирлар ва болалар тоифасига бўлиниши мумкин.

Тегишли ҳудуднинг футбол бўйича терма жамоалари ва уларнинг захирасига киритиш учун футбол ҳакамлари, футболчилар, шунингдек футбол бўйича бошқа мутахассислар Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

Тегишли ҳудуднинг терма жамоаларини таъминлаш, уларни тайёрлаш, шу жумладан ўқув-тренировка йиғинлари ўтказиш ҳамда мусобақаларда ва/ёки жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда қатнашиш:

терма жамоа аъзоларининг овқатланиши, йўл юриши, жойлашиши ва суткалик пули, шунингдек уларни фармакология ва тикланиш воситалари, витаминлар ва оксил-глюкоза препаратлари, умумий даволаниш мақсадидаги дори-дармонлар ва боғлаш материаллари билан таъминлаш;

спорт иншоотлари, жиҳозлар, инвентарь ва техник воситалардан фойдаланганлик учун ижара тўлови;

терма жамоалар аъзоларининг энергияга бўлган эҳтиёжини, сарфланган куч-қуввати ва жисмоний ресурслари компенсацияси учун озиқ-овқатларнинг асосий компонентлари билан таъминлаш;

терма жамоалар аъзоларини зарур спорт буюмлари, кийим-бош, инвентарь ва жиҳозлар билан таъминлаш, уларнинг тикланиш тадбирлари (физиотерапевтик, психологик ва бошқалар);

терма жамоалар аъзоларини тайёрлаш учун аудио ва видео жиҳозлар ҳамда материаллар сотиб олиш, ўқув-методик жиҳатдан таъминлаш ва даволаш-педагогик текширувлар ва назорат қилиш ҳамда терма жамоалар футболчиларини самарали тайёрлаш мақсадида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва олиб бориш;

терма жамоалар аъзоларини аккредитациядан ўтказишга, уларга виза олиш учун ҳақ тўлаш ва уларнинг мусобақалар, жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда ва ўқув-машқ йиғинларида қатнашганлиги учун бадал тўлаш, допинг-назоратдан ўтиш;

аэропортлар, темир йўл, автомобиль ва сув вокзаллари йиғимларини тўлаш, спорт инвентари ва жиҳозларини транспортда ташиш, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа зарур материаллар билан таъминлаш;

футбол мураббийлари ва мутахассислари, шу жумладан хорижий мураббийлар ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш, терма жамоалар аъзоларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурта қилиш, вакиллик харажатлари ва кўзда тутилмаган харажатлар (апелляция, даъво, факс, халқаро телефон сўзлашувларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, оғир жароҳатлар олинганда тиббий ёрдам учун ҳақ тўлаш, Интернет хизматлар), шикаст етказганлик учун ҳақ тўлаш ва бошқа харажатлар билан боғлиқ харажатларни тақозо этади.

Терма жамоаларнинг ўқув-тренировка йиғинларида ва/ёки жисмоний

тарбия-оммавий тадбирларда қатнашиши билан боғлиқ бошқа харажатлар қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган меъёрлар бўйича қопланади.

Хорижий валютадаги харажатлар белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрларга, шунингдек Регламент ва/ёки Низомнинг молиявий шартларига ёхуд қабул қилиш шартларига мувофиқ ажратилган ва келишилган маблағлар доирасида аниқланади.

VI. Федерациянинг моддий-техника базаси, маблағлари ва мол-мулки

26. Федерация ўз фаолиятини самарали таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз мулки бўлган ва/ёки ижарага олинган маъмурий ва қўшимча биноларга эга бўлиши, спорт базасини (спорт заллари, бассейнлар, майдончалар ва хоказоларни) ижарага олиши, тиббиёт хонаси, кино-, фото-, видеолaborаториялар, методика хонаси, жиҳозлар ва инвентарь, методик адабиётлар, кўргазмалар қўлланмалар, автотранспорт, техник ва электрон воситалар, ер участкалари, бинолар, иншоотлар, турар жой фондига, сўмда ва хорижий валютада пул маблағларига, қимматли қоғозлар ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулкка эга бўлиши мумкин.

27. Федерация Ўзбекистон Футбол федерацияси ёки бошқа ташкилотлар томонидан берилган мол-мулкнинг, шунингдек Федерациянинг ўзи бошқа қонуний асосларда сотиб олган мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

28. Федерациянинг маблағлари ва мол-мулки қуйидаги манбалардан: кириш бадаллари;
йиллик аъзолик бадаллари;
ҳомийлардан тушадиган маблағлар;
хўжалик фаолиятидан, шу жумладан ноширлик фаолиятидан олинган даромадлар;

Федерация уставида назарда тутилган тадбирларни ўтказишдан тушган тушумлар;

Ўзбекистон Футбол федерацияси ва бошқа ташкилотларнинг молиявий қўллаб-қувватлаши, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия бадаллари;

пулли хизматлар кўрсатиш, Федерациянинг расмий рамзларидан фойдаланиш, давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлардан тушадиган субсидиялар, шунингдек қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ва даромадлардан шакллантирилади.

29. Федерациянинг молиявий маблағлари ва даромадлари футболни ривожлантириш ва оммалаштириш қатнашчилари, Федерация аъзолари ва ҳар қандай бошқа шахслар ўртасида тақсимланмайди ҳамда фақат Федерациянинг тегишли мақсадлари, вазифалари ва фаолияти харажатларига йўналтирилиши мумкин.

30. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланган тартибда Федерация томонидан тўланади.

VII. Федерациянинг ҳисоб ва ҳисоботи

31. Федерация қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолияти натижаларининг бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисоботи юритади, ҳисобот маълумотлари ва баланс ҳисоб-китобларининг ишончилигини таъминлайди.

32. Федерация ва унинг органларининг мол-мулки ва ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

33. Федерация тегишли ҳудудда футболни ривожлантиришга тегишли барча масалаларда Ўзбекистон Футбол федерацияси билан мустақкам алоқада ишлайди ва унга ҳисоб беради. Федерация Ўзбекистон Футбол федерациясига ҳар йилги ҳисобот тақдим этади.

34. Федерация қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказувчи ва бошқа органларга ҳисоботлар тақдим этади.

VIII. Интизомий чоралар

35. Федерация томонидан Халқаро Футбол Федерацияси, Осиё Футбол Конфедерацияси ва Ўзбекистон Футбол федерацияси қарорлари, Футбол ўйини қоидалари бузилганлиги учун белгиланган тартибда қуйидаги тегишли интизомий чоралар қўлланилиши мумкин:

Федерациянинг жамоа аъзоларига, тегишли ҳудуднинг футбол бўйича спорт тадбирларини оммалаштирадиган ёки ўтказадиган футбол клублари ва ташкилотларига — огоҳлантириш, жарима солиш, ўйинни томошабинларсиз ўтказиш, ўйин натижаларини бекор қилиш, муайян стадионда ўйин ўтказишни тақиқлаш, ўйинни бетараф майдонда ўтказиш, мусобақаларда қатнашишни тақиқлаш, трансферни тақиқлаш, очколарни олиб ташлаш, қуйи дивизионга ўтказиш, аъзоликдан чиқариш;

Федерациянинг яқка тартибдаги аъзоларига (футбол бўйича тренерларга, футболчиларга, футбол бўйича ҳакамларга, шунингдек тегишли ҳудуддаги футбол бўйича бошқа мутахассисларга) — огоҳлантириш, жарима, мусобақаларда қатнашиш натижаларини бекор қилиш, мусобақаларда иштирок этишдан четлатиш, мусобақаларда иштирок этишни тақиқлаш, ўйинда қатнашишдан маҳрум этиш, мукофотдан маҳрум қилиш, малакасидан маҳрум қилиш ёки уни пасайтириш, тегишли ҳудудда футбол билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолиятда иштирок этишдан четлатиш.

IX. Федерацияни тугатиш

36. Федерацияни тугатиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Федерацияни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

37. Кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк Федерация иштирокчилари (аъзолари), шунингдек раҳбар органлар аъзола-

ри ёки Федерация ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва улардан футболни ривожлантириш учун белгиланган тартибда фойдаланилади.

Х. Яқуний қоидалар

38. Давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар Федерацияга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши мумкин. Давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ёрдам кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган контрактлар (шартномалар) асосида амалга оширилади.

39. Федерациянинг Ўзбекистон Футбол федерациясига аъзолиги Ўзбекистон Футбол федерацияси уставига мувофиқ белгиланади.

40. Футбол бўйича пайдо бўладиган барча баҳсли масалалар, қоидага кўра, Федерация ва Ўзбекистон Футбол федерациясида кўриб чиқилади.

41. Федерациянинг хатти-ҳаракати оқибатида Халқаро Футбол Федерацияси, Осиё Футбол Конфедерацияси ёки бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Футбол федерациясига жарима санкциялари қўлланган тақдирда, унда бу санкциялар Федерациянинг ўзи томонидан қопланиши керак.


42. Федерациянинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

43. Федерация фаолиятини назорат қилиш рўйхатдан ўтказган ва бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан, белгиланган тартибда амалга оширилади.

44. Халқаро Футбол Федерацияси, Осиё Футбол Конфедерацияси ва Ўзбекистон Футбол федерациясининг норматив ҳужжатлари Федерация ва тегишли ҳудудда футболни ривожлантираётган барча ташкилотлар учун амал қилинадиган ҳужжатлар ҳисобланади.

45. Мазкур Намунавий низомда тартибга солинмаган муносабатлар тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Футбол федерацияси раҳбарияти ва маъмурий таркиби (аппарати)нинг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Изоҳ. Федерациянинг штатлари, зарурият бўлганда, маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлар маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа молиявий тушумлар ҳисобига қўпайтирилиши мумкин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

526 Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар харид қилиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1943-1*

(2009 йил 11 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартдаги 77-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 13-сон, 142-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2009 йил 14 апрелдаги 17, 14/ҚҚ-сон қарори билан тасдиқланган Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар харид қилиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 1943, 2009 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 208-модда) 2-бандида:

биринчи хатбошисидаги «дарсликлар ва ўқув-методик комплекслар» деган сўзлар «ўқув адабиётлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, кўзи ожиз, қар, заиф эшитувчи ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган ўқувчилари учун махсус мактаб ва мактаб интернатлари томонидан ўқув адабиётларини харид қилиш юзасидан танлов савдоларини ўтказишга Ҳукумат комиссиясининг қарори талаб этилмайди».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Халқ таълими вазири

Ғ. ШОУМАРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 ноябрь,
50-сон

**Ўрта махсус, касб-ҳуна
таълими маркази директори**

Ш. ЖАВЛАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 ноябрь,
44/ҚҚ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

527 **Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришларида махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2051*

(2009 йил 12 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги «Мехнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги 267-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришларида махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир в.б.

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 23 ноябрь,
70-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 23 ноябрдаги 70-Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришларида махсус кийим,
махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш
воситаларини бепул беришнинг
НАМУНАВИЙ МЕЪЁРЛАРИ**

Т/р	Касби ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)	
Ўрмон хўжалигида дарахт кесиш ишларини олиб боришда				
1.	Дарахт қулатувчи ва унинг ёрдамчиси, дарахт кесувчи, ёғоч судраб чиқувчи, кесилган дарахтларнинг ён шохларини кесувчи, ёрдамчи ишчи, кесилган дарахтларни керакли ўлчамда кесувчи, кесилган ёғочларни жамловчи, кесилган ёғочларни юкловчи, кесилган майдондаги тўнкаларни қўпурувчи ва тозаловчи	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12	
		Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама шим	12	
		Ип газлама комбинезон	12	
		Ип газлама бош кийим	12	
		Қишда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	
		Телпак	36	
		Каска	Яроқсиз бўлгунча	
		Чарм пойабзал	24	
Ўрмон ҳимояси бўйича ишларни олиб боришда				
2.	Ўрмон зарарқунандаларига, уруғларни зарарлантиришга қарши қўлланиладиган кимёвий қоришмаларни тайёрловчи ва сепувчи ишчилар, кимёвий қоришмаларни сепиш воситасини таъмирловчи, махсус идишларда кимёвий моддаларни тайёрловчи, биологатория ходимлари	Чанг ўтказмайдиган ип газлама костюм ёки комбинезон	16	
		Резина этик	24	
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча	
		Каска	Яроқсиз бўлгунча	
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча	
		Ҳимояловчи кўзойнак	Навбатчи	
		Ип газлама халат	12	

Т/р	Касби ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)	
3.	Ўрмон ёнғинини ўчирувчи хизматчилар	Оловга чидамли модда шимдирилган ип газлама костюм	24	
		Чарм пойабзал	24	
		Комбинацияланган қўлқоп	2	
Ўрмон барпо қилиш ва қўчат етиштиришда				
4.	Ерларни тайёрлаш, уруғ сепиш, қўчат экиш, дарахтларнинг қатор ораларига ишлов бериш бўйича тракторчи, қўчат, уруғ ва бошқа ўрмон маҳсулотларини ташувчи транспорт ҳайдовчи, қўчатхона ишчилари, иссиқхона ишчилари, ўрмон меваларини совуқ ҳолда қайта ишловчилар, чўл ўсимликлари уруғларини тайёрловчи, уруғларни тозаловчи ва сараловчилар, уруғларни ювувчи ва пўчоғидан ажратувчилар, уруғларни бугловчилар, уруғларни мевасидан ажратувчилар, қамиш ўрувчилар	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12	
		Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама куртка	24	
		Чарм пойабзал	24	
		Қишда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	
		Телпак	36	
		Резина этик	24	
Ёрдамчи тармоқларда ишлашда				
а) цехларда ишларини олиб боришда				
5.	Пилорама ишчиси, дурадгор, токар, тўқима жиҳозлар ишчиси, электрик, чилангар	Ип газлама комбинезон	12	
		Ип газлама халат	12	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Резина қўлқоп	12	
		Чарм пойабзал	12	
		Ҳимояловчи кўзойнак	Навбатчи	
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча	
		Каска	Яроқсиз бўлгунча	
		Қишда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36			
б) чорвачилик ишларини олиб боришда				
6.	Ферма мудир (зоотехник), ветврач, чўпон, асаларичи	Ип газлама костюм	12	
		Ип газлама шим	12	
		Ип газлама халат	12	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Чарм пойабзал	24	
		Тиббиёт қўлқопи	Яроқсиз бўлгунча	
		Асаларидан юз ҳимояловчи ниқоб	Яроқсиз бўлгунча	
		Қишда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	

Т/р	Касби ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36		
в) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда					
7.	Ишчилар	Ип газлама халат	12		
		Ип газлама рўмолча ёки беретка	12		
		Ип газлама қўлқоп	2		
		Респиратор	Навбатчи		
г) доривор ўтларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини олиб боришда					
8.	Ишчилар	Респиратор	Яроқсиз бўлгунча		
Ўрмон тузиш ва лойиҳа қидирув ташкилоти ходимлари					
9.	Ер тузувчи, ўрмон тузувчи (таксатор), партия бошлиғи, фаррош, машина ҳайдовчиси, ўлчовчи, рейкачи (реперчик), топограф	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	16		
		Ип газлама халат	12		
		Резина калиш	Яроқсиз бўлгунча		
		Ип газлама комбинезон	12		
		Комбинацияланган қўлқоп	3		
		Ип газлама қўлқоп	2		
		Чарм пойабзал	24		
		Қишда қўшимча равишда:			
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36		

Якуний қоида

Мазкур Намунавий меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

М. ЭСАНОВ

2009 йил 16 ноябрь

*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 16 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА
ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

528 Тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилиши мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2052*

(2009 йил 12 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 49-сон, 477-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 11-сон, 72-модда) ва 2003 йил 3 июлдаги 302-сон «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2003 й., 7-сон, 57-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилиши мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

С. БЕКЕНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 ноябрь,
89-сон

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 2 ноябрь,
105-сон

**Давлат архитектура ва қурилиш
қўмитаси раиси****Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 2 ноябрь,
7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва
Давлат архитектура ва қурилиш
қўмитасининг 2009 йил 2 ноябрдаги
89, 105 ва 7-сон қарорига
ИЛОВА

**Тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва
ўтказишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига
преференциялар берилиши мониторингини амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 49-сон, 477-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 11-сон, 72-модда) ва 2003 йил 3 июлдаги 302-сон «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2003 й., 7-сон, 57-модда) қарорларига мувофиқ тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилишининг тизимли мониторингини (кейинги ўринларда мониторинг деб юритилади) амалга ошириш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Мониторинг товарлар, ишлар ва хизматлар давлат хариди (Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия ва-

зирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ва ижтимоий соҳа муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига), шунингдек устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналар маблағлари ҳисобига харид қилиш доирасида амалга ошириладиган тендер ва танлов савдоларида (кейинги ўринларда тендер ва танлов савдолари деб юритилади) иштирок этишда мамлакатимиз корхоналари — ишлаб чиқарувчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган 20 фоизгача миқдорда нарх преференцияларининг қўлланилишини таҳлил қилиш мақсадида амалга оширилади.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

буюртмачи — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тендер ва танлов савдоларини ўтказиш орқали товарлар, ишлар ва хизматлар харидини амалга оширадиган ташкилот;

капитал қурилиш — янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, объектлар ва асосий воситаларни мукамал таъмирлаш, жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш;

бошланғич нарх — буюртмачи томонидан ёки унинг буюртмаси бўйича жалб қилинган ташкилот томонидан аниқланадиган танлов савдолари предметининг ҳисоблаб чиқилган қиймати;

энг юқори нарх — тендер савдолари тўғрисидаги ахборотда кўрсатилган сотиб олинadиган товарнинг энг юқори нархи;

тендер ва танлов савдоларининг предмети — тендер ва танлов савдолари натижалари бўйича сотиб олиниши мўлжалланаётган товар, иш ва хизмат.

II. Мониторингни амалга ошириш тартиби

3. Буюртмачи оммавий ахборот воситаларида тендер ва танлов савдолари натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида юқори турувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органларига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ маълумотларни тендер ва танлов савдоларини ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эълоннинг нусхасини илова қилган ҳолда тақдим этади.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тузилмасига кирмайдиган буюртмачи оммавий ахборот воситаларида тендер ва танлов савдолари натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ маълумотларни тендер ва танлов савдоларини ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эълоннинг нусхасини илова қилган ҳолда:

Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ва ижтимоий соҳа муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш юзасидан тендер савдолари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига;

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланадиган устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналар маблағлари ҳисобига товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш юзасидан тендер савдолари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига;

марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари), давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишлар ва хизматларнинг бутун комплексини бажариш, товарлар харид қилиш юзасидан тендер ва танлов савдолари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига (кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб юритилади) тақдим этади.

5. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари улар томонидан ўтказилган тендер ва танлов савдолари натижалари бўйича, жумладан идоравий мансуб буюртмачилардан олинадиган маълумотлар асосида:

мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда умумлаштирилган тахлилий материалларни тайёрлайдилар;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари — тендер ва танлов савдолари иштирокчиларига нарх преференциялари берилиши бўйича қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда умумлаштирилган материалларни таҳлил қиладилар ва тегишли тахлилий маълумотномани тайёрлайдилар;

хар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойннинг 5-санасидан кечиктирмай тайёрланган тахлилий маълумотнома ва умумлаштирилган тахлилий материалларни буюртмачилардан олинган материалларни, жумладан тендер ва танлов савдоларини ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эълонларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда, мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ тендер ва танлов савдоларини молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этадилар.

6. Тендер ва танлов савдолари ўтказилмаган деб эътироф этилган тақдирда, тендер ва танлов комиссияси томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 иш кuni мобайнида буюртмачи томонидан тендер ва танлов савдолари ўтказилмаган деб эътироф этилишининг сабаблари кўрсатилган хат мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ тендер ва танлов савдоларини молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитасига тақдим этилади.

Бунда, хатга тендер ва танлов савдоларини ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эълоннинг нусхаси илова қилинади.

7. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек буюртмачилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитасига материалларни қоғоз ва электрон шаклларда тақдим этадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республи-

каси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, шунингдек буюртмачилардан олинadиган материаллар асосида, тааллуқли қисми бўйича, мамлакатимиз корхоналари — ишлаб чиқарувчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нарх преференцияларининг қўлланилишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, йиғма таҳлилий маълумотнома ва йиғма таҳлилий материалларни тайёрлайдилар.

9. Мониторинг натижаларига кўра, тааллуқли қисми бўйича, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тайёрланган йиғма таҳлилий маълумотномалар ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай тегишли йиғма таҳлилий материалларни илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

III. Жавобгарлик

10. Мазкур Низомга мувофиқ маълумот тақдим этадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек ташкилотлар раҳбарлари ўтказилган тендер ва танлов савдолари натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитасига бериладиган маълумотларнинг тўлиқлиги, ҳаққонийлиги ва ўз вақтида топширилиши учун шахсан жавобгардирлар.

11. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган.

*Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири*

Э. ҒАНИЕВ

2009 йил 2 ноябрь

Тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз
ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилиши мониторингини
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Тендер ва танлов савдолари тўғрисида МАЪЛУМОТ*

Буюртмачининг тўлиқ номи: _____
Юқори турувчи ташкилот номи: _____
Буюртмачининг жойлашган ери (почта манзили): _____
Алоқа телефон рақамлари: _____
Тендер (танлов) савдоларининг тартиб рақами ва эълон қилинган санаси: _____
Тендер (танлов) савдоларининг тури: очик/ёпиқ
Молиялаштириш манбаи: _____

T/p	Тендер ва танлов савдоларининг предмети	Тендер ва танлов савдолари предметининг энг юқори (бошланғич) нархи, минг сўм	Талабгорларнинг тўлиқ номи **	Талабгорларнинг жойлашган ери (почта манзили)**	Талабгор томонидан таклиф қилинган нарх **, минг сўм	Талабгор томонидан таклиф қилинган товарларнинг келиб чиқиш мамлақати**	Тендер ва танлов савдолари ғолибининг тўлиқ номи	Тендер ва танлов савдолари ғолиблари томонидан таклиф қилинган нарх (охирги), минг сўм	Бошқа маълумотлар (нима ҳисобига ғолиб томонидан нархнинг пасайтирилиши таъминланди, қайси талабгорлар бўйича импорт қилишдаги ҚҚС суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинди, тендер ва танлов савдоларининг салбий натижаси — агар шундайлар содир бўлган бўлса ва ҳ. к.)
1									
2									
...									
n									

Талабгорларнинг чет эл валютасида ифодаланган таклифлари конвертларни очиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

Изоҳ:

* Ҳар бир ўтказилган тендер ва танлов савдолари бўйича маълумот алоҳида тақдим этилади.

** Таклифлари тендер ва танлов савдолари, шунингдек қонунчилик ҳужжатлари шартларига мос келадиган тендер ва танлов савдолари иштирокчилари бўйича тўлдирилади.

Раҳбар _____

20__ й. «__» _____

М.Ў.

Тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз
ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилиши мониторингини
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Тендер ва танлов савдолари тўғрисида умумлаштирилган
МАЪЛУМОТ***

Давлат (хўжалик) бошқаруви органининг тўлиқ номи: _____
Юридик шахснинг жойлашган ери (почта манзили): _____
Алоқа телефон рақамлари: _____
Молиялаштириш манбаи: _____

T/p	Тендер ва танлов савдоларининг предмети	Тендер ва танлов савдолари предметининг энг юқори (бошланғич) нархи, минг сўм	Талабгорларнинг тўлиқ номи **	Талабгорларнинг жойлашган ери (почта манзили)**	Талабгор томонидан таклиф қилинган нарх**, минг сўм	Талабгор томонидан таклиф қилинган товарларнинг келиб чиқиш мамлакати**	Тендер ва танлов савдолари голибининг тўлиқ номи	Тендер ва танлов савдолари голиблари томонидан таклиф қилинган нарх (охирги), минг сўм	Бошқа маълумотлар (нима ҳисобига голиб томонидан нархнинг пасайтирилиши таъминланди, қайси талабгорлар бўйича импорт қилишдаги ҚҚС суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинди, тендер ва танлов савдоларининг салбий натижаси — агар шундайлар содир бўлган бўлса ва ҳ. к.)
<i>Давлат (хўжалик) бошқаруви органи бўйича</i>									
1									
...									
n									
<i>Давлат (хўжалик) бошқаруви органи тузилмасига қарадиган ташкилотлар бўйича</i>									
1									
...									
n									

Талабгорларнинг чет эл валютасида ифодаланган таклифлари конвертларни очиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

Изоҳ:

* Маълумот тендер ва танлов савдоларини молиялаштириш манбаининг ҳар бир тури бўйича алоҳида тақдим этилади.

** Таклифлари тендер ва танлов савдолари, шунингдек қонунчилик ҳужжатлари шартларига мос келадиган тендер ва танлов савдолари иштирокчилари бўйича тўлдирилади.

Раҳбар _____

20__ й. «__» _____

М.ў.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 28 ноябрдан 4 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви, Адлия вазирлигининг 2009 йил 13 ноябрдаги 107, 2009-34, 29/20, 11-сонли қарори.*

2009 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 124-3 (2009 йил 10 декабрдан кучга киради).

2. «Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар харид қилиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2009 йил 19 ноябрдаги 50, 44 /ҚҚ-сонли қарори.*

2009 йил 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1943-1 (2009 йил 11 декабрдан кучга киради).

3. «Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришларида махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 23 ноябрдаги 70-Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2051 (2009 йил 12 декабрдан кучга киради).

4. «Тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилиши мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 2 ноябрдаги 89, 105, 7-сонли қарори.*

2009 йил 2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2052 (2009 йил 12 декабрдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Технологик қувурўтказгичларнинг тузилиши ва хавфсиз ишлатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

Тузатиш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 2009 йил, 42-сони, 455-моддасидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 14 октябрдаги «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»-ги 229-мх-сон буйруғида (рўйхат рақами 2018, 2009 йил 14 октябрь):

1) **1, 2, 3, 4-иловаларидаги** (85, 87, 89, 91-бетлари) ва **5-иловасининг 14-бандидаги** (93-бет) «Иш юритувчи котиб», «иш юритувчи котиб» сўзлари тегишли равишда «Инспектор», «инспектор» деб;

2) **2-иловасининг иккинчи ярми** (87-бет) **3-иловасининг иккинчи ярми** (89-бет) билан алмаштириб ўқилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

